Ватан севмак иймондандур!

Ўзбекистон овози

Газетага 1918 йил 21 июнда «Иштирокиюн» номи билан асос солинган

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газети ● Обуначига 1 сўм 50 тийин. Сотувда — 3 сўм.

1992 йил 21 ноябрь, шанба № 230 (21.328).

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий комиссиясида

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг лойиҳаси 1992 йил 26 сентябрь куни матбуотда эълон қилингач, умумхалқ муҳокамаси бошланиб кетди. Икки ой давомида лойиҳа матбуотда, телевидение ва радио орқали, меҳнат жамоаларида ва ўқув юртларида зўр қизиқиш билан қизғин муҳокама қилинмоқда. Шу кунгача лойиҳа муҳокамасида миллионлаб киши қатнашди. Юз минглаб кишилар истак ва таклифларини айтишди. Республика матбуотининг ўзида юздан ортиқ мақола эълон қилинди. Уларда минглаб таклиф ва мулоҳазалар билдирилди.

Конституциявий комиссияга таклифлар ва мулоҳазалар баён этилган салкам 600 та хат тушди. Қорақалпоғистон Республикасидан, вилоятлар, туманлардан, Тошкент шаҳридан икки мингга яқин таклиф ва мулоҳаза олинди. Тушган таклиф ва мулоҳазаларнинг жами беш мингтадан ошади. Муҳокаманинг барча қатнашчилари лойиҳани қўллабқувватламоқдалар ва мақтамоқдалар. Муҳокама чоғида таъкидланишича, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг лойиҳаси Конституция тузилиши соҳасидаги жаҳон тажрибасига таянади, энг муҳим халқаро ҳуқуқий ҳужжатларга мос келади, демократик ғоялар ва қоидаларни мужассамлаштиради, инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги ғамхўрлик шу ғоя ва қоидаларга асос қилиб олинган.

Конституциявий комиссия Конституция лойиҳасини тайёрлаш жараёнида Осиё, Европа ва Америкадаги ўнлаб мамлакатларнинг конституцияларини, БМТ Бош Ассамблеяси 1948 йил декабрда қабул этган инсон ҳуқуқлари умумий Декларациясини ва инсон ҳуқуқлари ҳақидаги бошқа халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларни ўрганиб чиқди.

Муҳокама қатнашчилари лойиҳанинг мухтасарлик, чуқур мазмундорлик, соддалик каби фазилатларини таъкидламоқдалар.

Лойиҳанинг умумхалқ муҳокамаси уни янада мазмундор қилиш, лойиҳага бир қанча муҳим тузатиш ва ўзгартишлар киритиш имконини берди. Конституция лойиҳасининг деярли барча моддаларга тааллуқли бўлган беш мингтадан кўпроқ мулоҳаза ва таклифнинг қарийб ярмиси эътиборга олинди. Чунончи, муқаддимага ва 46 та моддага тузатиш ва қўшимчалар киритилди. 35-моддага энг кўп тузатиш киритишга тўғри келди. Кўпчилик мулоҳаза ва таклифлар лойиҳанинг фуқаролар ҳуқуқлари ва эркинликларига, шахс дахлсизлигига, виждон эркинлигига, диннинг жамият турмушидаги аҳамияти ва ўрнига, иқтисодий ҳуқуқларга, жумладан мулкчилик ҳуқуқига, ишбилармонлик ва бозор муносабатларини ривожлантиришга, давлат бошқарувини, суд тизимини, прокуратурани такомиллаштиришга, ҳуқуқ-тартибот ва интизомнинг конституциявий асосларини мустаҳкамлашга бағишланган бўлимлари, боблари ва моддаларига тааллуқли бўлди.

Конституциявий комиссияга тушган хатларда ва бошқа ҳужжатларда айрим моддаларнинг таҳририни яхшилашга оид бир талай таклифлар баён этилган. Айтилган барча мулоҳаза ва таклифлар Конституциявий комиссия томонидан зўр миннатдорлик билан қабул этилди. Уларнинг ҳаммаси синчиклаб ўрганилди, тартибга солинди ва жиддий таҳлил этилди. Хатлар устидаги иш давом этмоқда. Тушаётган таклифлар мазмунига қараб гуруҳланмоқда, эксперт гуруҳи томонидан синчиклаб ўрганиб чиқилмоқда, сўнгра конституциявий комиссияга топширилмоқда.

Кўпгина хатларда у ёки бу моддаларнинг мазмунини батафсилроқ очиб бериш, уларнинг таҳририни ўзгартириш, айрим моддаларни лойиҳадан чиқариб ташлаш ёки аксинча, уни янги моддалар билан тўлдириш ҳақидаги илтимослар баён этилган. Конституциявий комиссия Конституция лойиҳасига янги моддалар киритишни зарур, деб топди.

Киритилган таклиф ва мулоҳазалар, лойиҳанинг кўпгина моддалари мазмуни ва таҳририни анчагина яхшилаш имконини берди. Булар, жумладан, Конституциянинг муқаддимасига, эълон қилинган лойиҳанинг 12, 14, 15, 16, 18, 21, 24, 25, 30, 35, 36, 42, 50, 53, 61, 75, 80, 81, 83, 92, 105, 109, 110, 113, 114 ва бошқа моддаларига тааллуқлидир.

Шуни ҳам айтиш керакки, тушган мулоҳаза ва таклифларнинг бир қисми Конституциявий тусда бўлмай, жорий қонунчиликда ҳал этилиши лозим бўлган аниқ масалаларга тааллуқлидир. Бу хатлар янги қонун лойиҳаларини тайёрлаш вақтида ҳисобга олиш учун Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашига топширилади.

Конституциявий комиссиянинг ишчи гуруҳи қилинган ишни эътиборга олиб, Конституция лойиҳасининг янги таҳририни эълон қилиш зарур, деб ҳисоблайди, бунда муҳокама жараёнига янги омил бахш этиш ва Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг лойиҳасини бундан буён чуқурроқ муҳокама қилиш имкониятини яратиш назарда тутилади.

Конституциявий комиссия.

◆ ХДП: ОДАМЛАР ОРАСИДА

ФИКРЛАР ХИЛМА-ХИЛ, МАҚСАД ЯГОНА

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашининг иккинчи котиби М. Қирғизбоев Сурхондарёдаги сафарини Денов райони «Ғалаба» жамоа хўжалиги аъзолари билан суҳбатдан бошлади. Эшмамат Исломов, Мордай Турсуновлар республикамиз раҳбариятининг, партиянинг бугунги сиёсий ва иқтисодий йўлини маъқуллаб гапирдилар ва айни пайтда бугунги куннинг ижтимоий муаммоларидан сўз очдилар.

Вилоятнинг йирик районларидан бўлмиш Деновда савдо тармоғи хизматини кўрсатишни яхшилаш масалалари 20 ноябрь куни бўлиб ўтган халқ депутатлари район Кенгаши сессиясида ҳам кўриб чиқилди. Партия котиби сессияда нутқ сўзлади.

М. Қирғизбоевнинг, шунингдек Олтинсой райони меҳнат жамоалари билан мулоқоти ҳам мазмунли кечди. Унга ЎзХДП Сурхондарё вилоят Кенгашининг биринчи котиби Х. Эрматов ҳамроҳлик қилди.

О. УСАНОВ.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ КЕНГАШИ РАЁСАТИНИНГ ҚАРОРИ

ЎН ИККИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ КЕНГАШИНИНГ ЎН БИРИНЧИ СЕССИЯСИНИ ЧАҚИРИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Раёсати **карор қилади:**

I. Ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн биринчи сессияси 1992 йил 8 декабрда Тошкент шаҳрида чақирилсин.

II. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн биринчи сессияси муҳокамасига қуйидаги масалалар киритилсин:

1. Мандат комиссиясининг маърузаси.
2. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг лойиҳаси тўғрисида.
3. «Украина билан Ўзбекистон Республикаси ўртасидаги давлатлараро муносабатларнинг асослари, дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисида»ги шартномани ратификация қилиш ҳақида.
4. Жорий йилда Ўзбекистон Республикаси халқ хўжалигини ривожлантиришнинг кутилаётган якунлари ва Давлат бюджетининг ижроси ҳамда 1993 йилда Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётини ривожлантириш ва Давлат бюджетининг асосий параметрлари тўғрисидаги ахборот.
5. Ўзбекистон Республикасининг халқаро муносабатларини ривожлантириш тўғрисида» ташқи ишлар вазири У. А. Абдураззоқовнинг ахбороти.
6. «Ҳокимиятнинг Конституциявий идораларини қўриқлаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ҳақида.
7. «Хўжалик жамиятлари ва ширкатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ҳақида.
8. «Корхоналар, бирлашмалар ва ташкилотлардан олинадиган солиқлар тўғрисида» ва «Ўзбекистон Республикаси фуқароларидан, ажнабий фуқаролардан ва фуқароси бўлмаган шахслардан олинадиган даромад солиғи тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси хусусида.
9. «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ҳақида.
10. «Гаровга қўйиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ҳақида.
11. «Давлат божи тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ҳақида.
12. «Бир марта олинадиган йиғим тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ҳақида.
13. «Транспорт воситаларига солинадиган солиқ тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ҳақида.
14. «Прокуратура тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ҳақида (иккинчи ўқиш).
15. Ўзбекистон Республикаси прокуратура идоралари ходимларининг даража унвонлари тўғрисидаги ҳамда Ўзбекистон Республикаси прокуратура идоралари ходимларини рағбатлантириш ва уларнинг интизомий жавобгарлиги тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида.
16. «Озодликдан маҳрум этиш жойларидан бўшатилган шахслар устидан ички ишлар идораларининг маъмурий назорати тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунинг лойиҳаси ҳақида.
17. «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси ҳақида.
18. «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳамда Ўзбекистон Республикасининг маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги кодекси ва жиноят кодексида назарда тутилган жарима миқдорларини қайта ҳисоблаш ҳақида»ги Қонун лойиҳаси хусусида.
19. «Сурункали ичкиликбозлик ва гиёҳвандликка мубтало бўлган беморларни мажбурий даволаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ҳақида.
20. «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ҳақида (иккинчи ўқиш).
21. Ўзбекистон Республикаси Олий Суди, айрим вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари таркибидаги ўзгаришлар ҳақида.
22. Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияни ратификация қилиш ҳақида.
23. Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги таркибига кирган давлатларнинг раҳбарлари 1992 йилнинг 29 октябрда Бишкек шаҳрида имзолаган депортация қилинган шахслар, кам сонли миллатлар ва халқларнинг ҳуқуқларини тиклаш билан боғлиқ масалаларга доир битимни, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги таркибига кирган давлатларнинг ҳарбий соҳадаги хавфсизлиги концепцияси тўғрисидаги битимни ратификация қилиш ҳақида.
24. Ўзбекстон Республикаси Президентининг фармонларини тасдиқлаш тўғрисида.
25. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раёсатининг қарорларини тасдиқлаш тўғрисида.
26. Ўзбекистон Республикаси айрим халқ депутатларининг депутатлик ваколатлари тўғрисида.
27. Ўзбекистон Республикасининг орденлари ва медаллари тўғрисида.
28. Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси тўғрисида.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Раиси Ш. ИУЛДОШЕВ.

Тошкент шаҳри,
1992 йил 19 ноябрь.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

РЕСПУБЛИКА ПАХТА ЗАВОДЛАРИДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛГАН ПАХТА ТОЛАСИНИ СОТИШ ТАРТИБИ ҲАҚИДА

Пахта тайёрлаш, қайта ишлаш, сақлаш ҳамда пахта толаси ва пахта маҳсулотини сотишга оид барча ишлаб чиқариш бўғинларининг аниқ, баҳамжиҳат ишлашини таъминлаш, суиистеъмолларнинг ва ғайриқонуний равишда республикадан ташқарига олиб кетишнинг олдини олиш мақсадида Вазирлар маҳкамаси қарор қилади:

1. Белгилаб қўйилсинки,

жамоа хўжаликлари ва давлат хўжаликлари томонидан етиштирилган пахтанинг ҳаммаси тайёрлаш пунктларига ёки пахта заводларига мажбурий тартибда топширилади; ўз тайёрлаш пунктлари ва пахта заводлари бўлган хўжаликлар тайёрланган ва қайта ишланган пахта миқдори тўғрисида бош пахта заводи ҳамда тегишли ҳисоб идоралари олдида ҳисоб беради;

олинган пахта толасининг ҳаммаси, шу жумладан жамоа хўжаликлари ва давлат хўжаликлари ихтиёрида қолдириладиган бажарилган топшириқнинг 15 фоизи ва топшириққа қўшимча пахтанинг ҳаммаси пахта заводларида ҳар бир хўжаликники алоҳида-алоҳида сақланиши лозим.

2. Пахта толасини сотиш ва истеъмолчиларга етказиб беришнинг қуйидаги тартиби тасдиқлансин:

I) давлат топшириғида белгиланган пахтанинг 85 фоизини, қайта ишлашдан олинган пахта толасини сотиш ва истеъмолчиларга етказиб бериш

Ўзбекистон Республикаси Давлат истиқболни белгилаш ва ҳисоб комитети кутилаётган пахта толаси ишлаб чиқариш ҳажми, жумладан, республика деҳқончилик саноати мажмуи барча тизимларидаги давлат хўжаликлари пахта заводларида ишлаб чиқариладиган тола миқдори тўғрисида «Ўздавпахтасавдо» ассоциацияси берган маълумотлар асосида пахта толаси давлат ресурсларининг умумий балансини ишлаб чиқади, уни Ўзбекистондаги истеъмолчиларга, МДҲ мамлакатларига ва экспорт қилишга тақсимлайди ҳамда уни Вазирлар маҳкамаси муҳокамасига тақдим этади;

Вазирлар маҳкамаси республикадаги истеъмолчиларга, МДҲ мамлакатларига ва экспортга пахта толаси етказиб беришга ажратилган улушларни тасдиқлайди. Бу улушлар Вазирлар маҳкамасининг қарори тарзида ижро этиш учун «Ўздавпахтасавдо» ассоциациясига ва Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигига юборилади;

«Ўздавпахтасавдо» олинган қарорлар асосида пахта толасини «Ўздавпахтасавдо» ассоциациясига бўйсунувчи ҳудудий давлат-акционерлик бирлашмаларига тақсимлайди ва заводлардан пахта толасини жўнатиш учун нарядлар беради. Экспортга пахта толаси жўнатиш учун нарядлар Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигининг рухсатномаси мавжуд бўлган тақдирдагина берилади;

Вазирлар маҳкамасининг пахта толасини сотишга тасдиқланган рухсати, «Ўздавпахтасавдо» ассоциациясининг нарядлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигининг экспортга жўнатиш учун рухсатномаси Ўзбекистон Республикаси Давлат божхоналар комитети ва Ўрта Осиё темир йўли хизматлари ижро этишлари учун асос бўлади;

Вазирлар маҳкамасининг рухсатидан фойдаланиш қандай бораётганлиги ҳақидаги, республика истеъмолчиларига, МДҲ мамлакатларига ва экспортга пахта толаси жўнатиш қандай бораётгани, шунингдек пахта толасининг қолдиғи тўғрисидаги маълумотлар «Ўздавпахтасавдо» уюшмаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги билан биргаликда умумлаштирилади ва ҳар ойнинг бешинчи куни Вазирлар маҳкамасига тақдим этилади.

II) Бажарилган давлат топшириғидаги пахтанинг 15 фоизини ва топшириққа қўшимча пахтани қайта ишлашдан олинган пахта толасини сотиш ва истеъмолчиларга етказиб бериш

мазкур миқдордаги пахта толасини эркин шартномавий нархларда сотиш ҳуқуқи давлатга пахта сотиш юзасидан белгиланган йиллик топшириқни бажарган хўжаликларгагина берилади. Бунда хўжаликлар билан пахта заводи ўртасидаги ўзаро ҳисоб-китоб қилиш тартиби республика ҳукуматининг 1992 йил 13 майдаги 11—23—63 сонли қарорида тасдиқланган талабларга тўла мос келиши керак;

Республикадаги истеъмолчиларга, МДҲ мамлакатларига ва экспортга пахта толаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1992 йил 7 октябрдаги 477-сонли Фармонига ва республика ҳукуматининг 1992 йил 17 октябрдаги 479-сонли қарорига мувофиқ ташкил этилган ҳудудий ассоциациялар орқали сотилади;

«Ўздавпахтасавдо» Қорақалпоғистон Республика ассоциацияси ва вилоят ассоциациялари билан биргаликда хўжаликлар эркин равишда сотадиган пахта толасининг миқдори ҳақидаги пахта заводлари берган маълумотларни умумлаштиради;

Қорақалпоғистон ассоциацияси ва вилоят ассоциациялари хўжаликларнинг таклифларига биноан ва истеъмолчиларга эркин шартномавий нархларда тола етказиб бериш ҳақида шу хўжаликлар билан тузилган шартномалар (битимлар) асосида Вазирлар маҳкамасидан рухсатнома олиш учун унга талабнома беради;

Вазирлар маҳкамаси ҳудудий ассоциацияларнинг талабномаларини кўриб чиқиб, уларга рухсат этади ва ўз қарори нусхаларини «Ўздавпахтасавдо» ассоциациясига ва Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигига юборади. «Ўздавпахтасавдо»нинг тегишли буйруғи пахта заводидан пахта толасини жўнатиш учун асос бўлади;

Экспортга тола етказиб бериладиган тақдирда ҳудудий ассоциациялар Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигининг ташқи савдо фирмалари орқали битимларни расмийлаштирадилар ва республика хўжаликларини шу вазирликнинг тегишли рухсатномалари билан таъминлайдилар;

Юқорида келтирилган тартиб ўз пахта заводи бўлган хўжаликлар учун ҳам мажбурийдир;

Вазирлар маҳкамасининг рухсати, «Ўздавпахтасавдо» бўйруғи ва Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигининг рухсатномаси (толани экспорт қилиш чоғида) Ўзбекистон Республикаси Давлат божхоналар комитети ва Ўрта Осиё темир йўли идоралари ижро этиши учун асос бўлади;

«Ўздавпахтасавдо» ҳудудий ассоциациялар ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги билан биргаликда пахта толасини сотиш қандай бораётгани тўғрисидаги маълумотларни умумлаштиради ва бу маълумотларни ҳар ойнинг бешинчи куни Вазирлар маҳкамасига тақдим этади.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар кенгаши, вилоятларнинг ҳокимиятлари, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалик вазирлиги, «Ўздавпахтасавдо» ассоциацияси республиканинг барча пахта заводларида ишлаб чиқарилган линт, ўлик пахта ва тивит давлат ресурсларига етказиб берилишини ҳамда «Ўздавпахтасавдо» ассоциацияси орқали сотилишини таъминласинлар.

Техникавий мақсадларга ажратилган чигитни пахта заводлари ёғ-экстракция заводларига жўнатишлари, ишлаб чиқарилган ўсимлик ёғи, кунжара ва чигит пўстлоғи давлат ресурсларига келиб тушиши белгилаб қўйилсин, пахтанинг 15 фоизи ва топшириққа қўшимча тайёрланган пахтани қайта ишлаш ҳисобидан олинган ва хўжаликларга қайтарилиши лозим бўлган маҳсулот ҳажми бундан мустасно.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар кенгаши, вилоятларнинг ҳокимиятлари, «Ўздавпахтасавдо» ассоциацияси ушбу қарорни барча жамоа хўжаликлари, давлат хўжаликлари ва пахта заводларига етказсинлар, пахтани қайта ишлаш, пахта толаси ва бошқа пахта маҳсулотини сотиш тартибига қатъий риоя этилиши устидан амалий назорат ўрнатсинлар.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш ўртоқ И. Ҳ. Жўрабеков зиммасига юклатилсин. Қарорнинг қандай бажарилаётгани 1993 йил январь ойида, сўнгра эса йилнинг ҳар чорагида кўриб чиқилсин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

Ш. Р. ҒАФУРОВНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУЛКИНИ БОШҚАРИШ ВА ХУСУСИЙЛАШТИРИШ ҚЎМИТАСИНИНГ РАИСИ ЭТИБ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Шуҳрат Рашидович Ғафуров Ўзбекистон Республикаси давлат мулкини бошқариш ва хусусийлаштириш қўмитасининг раиси этиб тайинлансин.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1992 йил 20 ноябрь.

НЕЧАНЧИ ЎРИНДАСИЗ?

РЕСПУБЛИКА ВИЛОЯТЛАРИДА ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА ШУ ЙИЛ 20 НОЯБРГА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

(режага нисбатан фоиз ҳисобида)

Биринчи устун — вилоятлар, иккинчи устун — бир кунда тайёрланган пахта, учинчи устун — мавсум бошидан буён.

Қашқадарё	0,13	103,99
Бухоро	0,15	102,88
Наманган	0,34	101,09
Фарғона	0,19	100,20
Андижон	0,54	99,04
Тошкент	0,62	92,75
Навоий	0,52	91,39
Сурхондарё	0.05	91,27
Сирдарё	0,40	89,68
Хоразм	0,55	87,26
Жиззах	0,15	84,62
Қорақалпоғистон Республикаси	0,58	84,61
Самарқанд	0,42	75,98
Республика бўйича	0.33	93,47
1991 йилдагиси	0,00	104,70

ТАНИШИНГ: ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ СУВ ХЎЖАЛИГИ ҚУРИЛИШИ КОНЦЕРНИ БОШҚАРУВИНИНГ РАИСИ

Ғулом Ботирович ҲАСАНОВ

Ғ. Б. Ҳасанов 1944 йили Бухоро вилояти Кармана шаҳрида туғилган. У 1970 йили Тошкент Давлат университетини муваффақиятли тугаллади. Меҳнат фаолиятини Гулистон районидаги кўчма механизациялашган колоннада муҳандисликдан бошлади. Сўнг бошлиқ ўринбосари бўлди.

1972-1975 йилларда Гулистон районидаги «Сирдарьядренажстрой»га қарашли махсус кўчма колоннада бош муҳандис ва бошлиқ, 1975 йили эса Сирдарё вилояти мелиорация бошқармасига бошлиқ этиб тайинланди. 1976-1980 йилларда «Сирдаряьводстрой» трести бошқарувчиси бўлди. 1980-1985 йилларда Сирдарё вилояти сув тармоқлари бошқармаси бошлиғи, 1988 йилгача эса Сирдарё вилояти ижроия қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари бўлиб хизмат қилди. 1988-1991 йилларда Ўзбекистон Компартияси Янгиер шаҳар қўмитаси биринчи котиби этиб сайланди. 1990-1992 йилларда Янгиер шаҳар халқ депутатлари Кенгаши раиси бўлди. 1992 йилдан Янгиер, сўнгги пайтда эса Гулистон шаҳар ҳокими эди.

Ғулом Ботирович Ҳасанов Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони билан 1992 йил 19 ноябрда Ўзбекистон давлат сув хўжалиги қурилиши концерни бошқарувининг раиси этиб тайинланди.

◆ ВОҚЕАЛАР ИЗИДАН

ТОЖИКИСТОН: МУЗОКАРАЛАР ОРҚАЛИ МУРОСАГА

Хўжанд, 20 ноябрь. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлигининг махсус мухбири Лев Левин хабар қилади:

Фараз қилинганидек, Тожикистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн олтинчи сессияси узоқ давом этади ва сессия иши осон бўлмайди. Сессия очилгандан сўнг ўтган икки кун ичида иш тартиби билан боғлиқ гаплардан ташқари деярли ҳеч нарса бўлмади. Аммо Тожикистоннинг турли минтақалари вакиллари бўлмиш депутатларнинг фикрича, муросага келиш учун йўл очилди.

...Тарихий сессия бўлаётган жойга бориш учун олти марта қаттиқ чегара назоратидан ўтиш керак. Автоматлар, катта калибрли пулеметлар отишга шай қилиб қўйилган жойларда ҳужжатлар текширилмоқда. Афсуски, бошқа илож йўқ. Бу ерда иғвогарлик бўлишидан асосли равишда хавфсирамоқдалар. Ахир икки кун олдин Душанбенинг қоқ марказида Тожикистон Миллий хавфсизлик комитети раисининг биринчи ўринбосари тушган автомобиль автоматлар ва гранатометдан ўққа тутилди.

Бу воқеани ҳам, Душанбе теварагида қуролли гуруҳлар ҳаракати фаоллашганини ҳам сессия иши билан боғламоқдалар. Аммо аҳволнинг бундай кескинлашуви кўпчиликка маъқул бўлмаяпти. Парламент сессияси — республикадаги шу ягона конституциявий органнинг анжумани Хўжандда ўтаётганини одамлар тўғри деб

(Давоми тўртинчи бетда).

УЧРАШУВ КЕЧИКТИРИЛДИ

МДҲ давлат раҳбарларининг шу йил 4 декабр куни Беларусь Республикасининг пойтахти Минск шаҳрида ўтказилиши мўлжалланган учрашув ўзаро аҳдлашувга биноан 18 декабрга кечиктирилди. Учрашув жойи эса ўзгармай қолди, деб хабар беради Беларусь ахборот маҳкамаси.

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» ГАЗЕТАСИГА ЖАВОБ КЕЛДИ

«ҚУВАСОЙДА ҲОКИМ ЎЗГАРДИ»

«Ўзбекистон овози», 1992 йил 15 сентябрь

— Мақолада Фарғона вилоятида сўнгги йилларда кадрлар танлаш, жой-жойига қўйиш ва тарбиялашда йўл қўйилган хато ва камчиликлар очиб берилган. Шунинг учун қатор меҳнат жамоаларида мақола муҳокамасига бағишланган йиғилишлар бўлиб ўтди ва Фарғона вилоятида юз берган камчиликларни рўйи-рост очиб ташлангани тан олинди, — дейилади жавоб хатида.

Ҳақиқатан ҳам сўнгги йилларда, айниқса вилоят раҳбарлигига Ғ. Ф. Фозилов келгандан сўнг Фарғона вилоятида кадрлар масаласига панжа орасидан қаралгани маълум бўлди. Айрим раҳбарлик лавозимларига умумманфаат йўлида астойдил ҳаракат қиладиган, ҳалол, виждонли ва талабчан кишилар эмас, аксинча, лаганбардор, товламачи ва журъатсиз кимсалар қўйилди. Раҳбарликка номзодлар танлашда аксарият ҳолларда меҳнат жамоаси, фуқароларнинг фикри атрофлича ўрганилмади, уларнинг таклифларига менсимай қаралди. Оқибатда вилоят аҳолиси орасида ижтимоий адолат ўрнатилишига шубҳа, ишончсизлик тобора кучаяверди. Митингбозлик, сафсатабозлик авжига чиқиб тартиб-интизом чок-чокидан кетаверди, ижтимоий-сиёсий муҳит таҳлика остида қолиб, иқтисоднёт таназзул ботқоғига ботаверди.

Президентимиз И. А. Каримов бошчилигида ва ҳукумат томонидан кўрилаётган чора-тадбирлар туфайли республикада халқ хўжалигининг кўп тармоқлари ривожланиш изига туша бошлаганига қарамай Фарғона вилоятида турғунлик, орқага кетиш давом этаверди. Шаҳар ва район марказларида тараққиёт, ободончилик, аҳолига хизмат кўрсатиш савияси ортда қолаётгани меҳнаткашлар эътирозининг кўпайишига сабаб бўлди. Бу ҳақдаги ариза ва шикоятлар оқими тобора авж олаверди. Шунга қарамай, қулай имкониятдан—республикада ҳокимлик тизими жорий этилаётганидан фойдаланиб кадрлар ишидаги айрим чалкашликлар бартараф этилмади. Аксинча, аҳвол эски тос, эски ҳаммомлигича қолаверди. Район ва шаҳар ҳокимлигига тайинланганларнинг кўпчилиги тез орада эгаллаб турган вазифасига номуносиб эканлиги маълум бўлиб қолди. Ҳатто вилоят ҳокимлиги аппаратидаги лаёқатли ходимлар қувғин қилиниб, ўрнига таниш-билишлик, ошна-оғайнигарчилик йўли билан кадрлар олиб келинди.

Вилоят ҳокимияти раҳбарлари ўзгаргач, кадрлар танлаш, уларни жой-жойига қўйиш ва тарбиялаш ишларига катта масъулият билан қарала бошланди. Ишда ижобий ўзгаришларга интилмаганлар тез орада вазифаларидан озод қилиндилар. Жумладан, Қувасой шаҳар ҳокимлигига ўз хоҳишига зид равишда, мажбуран У. Отабоев тайинланган эди. Янги ҳоким ишда бирёқламачиликка йўл қўйди. Оқибатда шаҳардаги корхона ва ташкилот, муассаса ва хўжаликлар ишини мувофиқлаштириш ишдан чиқди. Фуқароларни, ман-

(Давоми тўртинчи бетда).

ЛОЙИҲА

МУҲОКАМА ДАВОМИДА БИЛДИРИЛГАН ТАКЛИФ ВА МУЛОҲАЗАЛАР ИНОБАТГА ОЛИНГАН

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ

МУҚАДДИМА

Ўзбекистон халқи:

инсон ҳуқуқларига ва давлат суверенитети ғояларига содиқлигини тантанали равишда эълон қилиб,

ҳозирги ва келажак авлодлар олдидаги юксак масъулиятини англаган ҳолда,

ўзбек давлатчилиги ривожининг тарихий тажрибасига таяниб,

демократия ва ижтимоий адолатга садоқатини тасдиқлаб,

халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган қоидалари устунлигини тан олган ҳолда,

республика фуқароларининг муносиб ҳаёт кечиришларини таъминлашга интилиб,

инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этишни кўзлаб,

фуқаролар тинчлиги ва миллий тотувлигини таъминлаш мақсадида ўзининг мухтор вакиллари сиймосида Ўзбекистон Республикасининг мазкур Конституциясини қабул қилади.

БИРИНЧИ БЎЛИМ

АСОСИЙ ПРИНЦИПЛАР

I БОБ. ДАВЛАТ СУВЕРЕНИТЕТИ

1-модда. Ўзбекистон — суверен демократик республика. Давлатнинг «Ўзбекистон Республикаси» ва «Ўзбекистон» деган номлари бир маънони англатади.

2-модда. Давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилади. Давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъулдирлар.

3-модда. Ўзбекистон Республикаси ўзининг миллий-давлат ва маъмурий-ҳудудий тузилишини, давлатни идора этиш тизимини белгилайди, ички ва ташқи сиёсатини амалга оширади.

Ўзбекистоннинг давлат чегараси ва ҳудуди дахлсиз ва бўлинмасдир.

4-модда. Ўзбекистон Республикасининг давлат тили ўзбек тилидир.

Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида истиқомат қилувчи барча миллат ва элатларнинг тиллари, урф-одатлари ва анъаналарини ҳурмат қилинишини таъминлайди, уларнинг ривожланиши учун шароит яратади.

5-модда. Ўзбекистон Республикаси қонун билан тасдиқланадиган ўз давлат рамзлари — байроғи, герби ва мадҳиясига эга.

6-модда. Ўзбекистон Республикасининг пойтахти — Тошкент шаҳри.

II БОБ. ХАЛҚ ҲОКИМИЯТЧИЛИГИ

7-модда. Халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбандир.

Ўзбекистон Республикасида давлат ҳокимияти халқ манфаатларини кўзлаб ва Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда унинг асосида қабул қилинган қонунлар ваколат берган идоралар томонидангина амалга оширилади.

Конституцияда назарда тутилмаган тартибда давлат ҳокимияти ваколатларини ўзлаштириш, ҳокимият идоралари фаолиятини тўхтатиб қўйиш ёки тугатиш, ҳокимиятнинг янги ва мувозий таркибларини тузиш Конституцияга хилоф ҳисобланади ва қонунга биноан жавобгарликка тортишга асос бўлади.

8-модда. Ўзбекистон халқини миллатидан қатъий назар, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари ташкил этади.

9-модда. Давлат ва жамият ҳаётининг энг муҳим масалалари халқ муҳокамасига тақдим этилади, умумий овозга (референдумга) қўйилади. Референдум ўтказиш тартиби қонун билан белгиланади.

10-модда. Ўзбекистон халқи номидан фақат у сайлаган Республика Олий Мажлиси ва Президенти иш олиб бориши мумкин.

Жамиятнинг бирон-бир қисми, сиёсий партия, жамоат бирлашмаси, ижтимоий ҳаракат ёки алоҳида шахс Ўзбекистон халқи номидан иш олиб боришга ҳақли эмас.

11-модда. Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимиятининг тизими ҳокимиятни қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниши принципига асосланади.

12-модда. Ўзбекистон Республикасида ижтимоий ҳаёт сиёсий институтлар, мафкуралар ва фикрларнинг хилма-хиллиги асосида ривожланади.

Ҳеч қайси мафкура давлат мафкураси сифатида ўрнатилиши мумкин эмас.

13-модда. Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлар олий қадрият ҳисобланади.

Демократик ҳуқуқ ва эркинликлар Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилинади.

14-модда. Давлат ўз фаолиятини инсон ва жамият фаровонлигини кўзлаб, ижтимоий адолат ва қонунийлик принциплари асосида амалга оширади.

III БОБ. КОНСТИТУЦИЯ ВА ҚОНУННИНГ УСТУНЛИГИ

15-модда. Ўзбекистон Республикасида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларининг устунлиги сўзсиз тан олинади.

Давлат, унинг органлари, мансабдор шахслар, фуқаролар ўз фаолиятларида Конституция ва қонунларга амал қилишлари шарт.

16-модда. Мазкур Конституциянинг бирорта қоидаси Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқ ва манфаатларига зарар етказадиган тарзда талқин этилиши мумкин эмас.

Бирорта ҳам қонун ёки бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжат Конституция нормалари ва қоидаларига зид келиши мумкин эмас.

IV БОБ. ТАШҚИ СИЁСАТ

17-модда. Ўзбекистон Республикаси халқаро муносабатларнинг тўла ҳуқуқли субъектидир. Унинг ташқи сиёсати давлатларнинг суверен тенглиги, куч ишлатмаслик ёки куч билан таҳдид қилмаслик, чегараларнинг дахлсизлиги, низоларни тинч йўл билан ҳал этиш, ички ишларга аралашмаслик қоидаларига ва халқаро ҳуқуқнинг умумий эътироф этилган бошқа қоидалари ва нормаларига асосланади.

Республика давлатнинг ҳамда халқнинг олий манфаатлари, фаровонлиги ва хавфсизлигини таъминлаш мақсадида иттифоқлар тузиши, ҳамдўстликларга ва бошқа давлатлараро тузилмаларга кириши ва улардан ажралиб чиқиши мумкин.

ИККИНЧИ БЎЛИМ

ИНСОН ВА ФУҚАРОЛАРНИНГ АСОСИЙ ҲУҚУҚЛАРИ, ЭРКИНЛИКЛАРИ ВА БУРЧЛАРИ

V БОБ. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

18-модда. Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъий назар, қонун олдида тенгдирлар.

Имтиёзлар фақат қонун билан белгиланиб қўйилади ҳамда ижтимоий адолат принципларига мос бўлиши шарт.

19-модда. Ўзбекистон Республикаси фуқароси ва давлат бир-бирига нисбатан бўлган ҳуқуқлари ва бурчлари билан ўзаро боғлиқдирлар. Фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсиздир, улардан суд қарорисиз маҳрум этишга ёки чеклаб қўйишга ҳеч ким ҳақли эмас.

20-модда. Фуқаролар ўз ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишда бошқа шахсларнинг, давлат ва жамиятнинг қонуний манфаатлари, ҳуқуқлари ва эркинликларига путур етказмасликлари шарт.

VI БОБ. ФУҚАРОЛИК

21-модда. Ўзбекистон Республикасининг буткул ҳудудида ягона фуқаролик ўрнатилади.

Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги, унга қандай асосларда эга бўлганликдан қатъий назар, ҳамма учун тенгдир.

Қорақалпоғистон Республикасининг фуқароси айни вақтда Ўзбекистон Республикасининг фуқароси ҳисобланади.

Фуқароликка эга бўлиш ва йўқотиш асослари ҳамда тартиби қонун билан белгиланади.

22-модда. Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида ҳам, унинг ташқарисида ҳам ўз фуқароларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш ва уларга ҳомийлик кўрсатишни кафолатлайди.

23-модда. Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги чет эл фуқароларининг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқ таъминланади. Улар Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, қонунлари ва халқаро шартномалари билан белгиланган бурчларни адо этадилар.

VII БОБ. ШАХСИЙ ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАР

24-модда. Яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг узвий ҳуқуқи. Ҳаётга суиқасд қилиш энг оғир жиноятдир.

25-модда. Ҳар ким эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқига эга.

Ҳеч ким қонунга асосланмаган ҳолда ҳибса олиниши ёки қамоқда сақланиши мумкин эмас.

26-модда. Жиноят содир этганликда айбланаётган ҳар бир шахс қонуний тартибда, судда ошкора кўриб чиқилиб, унинг айби аниқланмаганига қадар айбдор эмас деб ҳисобланади. Судда айбланаётган шахсга ўзини ҳимоя қилиш учун барча шароитлар таъминлаб берилади.

Ҳеч ким қийноққа солиниши, зўравонликка, шафқатсиз ёки қадр-қимматни камситувчи бошқа тарздаги муомалага дучор этилиши мумкин эмас.

Ҳеч кимнинг устидан унинг розилигисиз тиббий ёки илмий тажрибалар ўтказилиши мумкин эмас.

27-модда. Ҳар ким ўз шаъни ва обрўсига қилинган тажовузлардан, шахсий ҳаётга аралашишдан ҳимояланиш ва турар жой дахлсизлиги ҳуқуқига эга.

Ҳеч ким қонун назарда тутган ҳоллардан ва тартибдан ташқари бировнинг турар жойига кириши, тинтув ўтказиши ёки уни кўздан кечириши, ёзишмалар ва телефонда сўзлашувлар сирини ошкор қилиши мумкин эмас.

28-модда. Ўзбекистон Республикаси фуқароси Республика ҳудудида бир жойдан иккинчи жойга кўчиш, Ўзбекистон Республикасига келиш ва ундан чиқиб кетиш ҳуқуқига эга. Қонунда белгиланган чеклашлар бундан мустаснодир.

29-модда. Ҳар ким фикр, сўз ва эътиқод эркинлиги ҳуқуқига эга. Ҳар ким ўзи истаган ахборотни излаш, олиш ва уни тарқатиш ҳуқуқига эга, конституциявий тузумга қарши қаратилган ахборот бундан мустаснодир.

Фикр юритиш ва уни ифодалаш эркинлиги фақат давлат сири ва бошқа сирларга тааллуқли бўлган тақдирдагина қонун билан чекланиши мумкин.

30-модда. Ўзбекистон Республикасининг барча давлат органлари, жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахслари фуқароларга уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига дахлдор бўлган ҳужжатлар, қарорлар ва бошқа материаллар билан танишиб чиқиш имкониятини яратиб бериши лозим.

31-модда. Барча учун виждон эркинлиги кафолатланади. Ҳар бир инсон хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга. Диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўйилмайди.

VIII БОБ. СИЁСИЙ ҲУҚУҚЛАР

32-модда. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита, ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар. Бундай иштирок этиш ўзини-ўзи бошқариш, референдумлар ўтказиш ва давлат органларини демократик тарзда ташкил этиш йўли билан амалга оширилади.

33-модда. Фуқаролар ўз ижтимоий фаолликларини Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ митинглар, йиғилишлар ва намойишлар шаклида амалга ошириш ҳуқуқига эга. Ҳокимият органлари фақат хавфсизлик нуқтаи назаридангина бундай тадбирлар ўтказилишини тўхтатиш ёки тақиқлаш ҳуқуқига эга. Бундай тўхтатиш ва тақиқлаш устидан судга арз қилиниши мумкин.

34-модда. Ўзбекистон Республикаси фуқаролари касаба уюшмаларига, сиёсий партияларга ва бошқа жамоат бирлашмаларига уюшиш, оммавий ҳаракатларда иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар.

Сиёсий партияларда, жамоат бирлашмаларида, оммавий ҳаракатларда, шунингдек ҳокимиятнинг вакиллик органларида муҳолифатчи озчиликни ташкил этувчи шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қадр-қимматини ҳеч ким камситиши мумкин эмас.

35-модда. Ҳар бир шахс бевосита ўзи ва бошқалар билан биргаликда ваколатли органларга, муассасаларга ёки халқ вакилига ёзма равишда ариза, таклиф ва шикоятлар билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

Аризалар, таклифлар ва шикоятлар қонунда белгиланган тартибда ва муддатларда кўриб чиқилиши шарт.

IX БОБ. ИҚТИСОДИЙ ВА ИЖТИМОИЙ ҲУҚУҚЛАР

36-модда. Ҳар бир шахс мулкдор бўлишга ҳақли. Банкка қўйилган омонатлар сир тутилиши ва мерос қолдириш ҳуқуқи қонун билан кафолатланади.

37-модда. Ҳар бир шахс меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, одилона шароитларда ишлаш ва қонунда кўрсатилган тартибда ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқига эгадир.

Суд ҳукми билан тайинланган жазони ўташ тартибидан ёки қонунда кўрсатилган бошқа ҳоллардан ташқари мажбурий меҳнат таъқиқланади.

38-модда. Барча ёлланиб ишлаётган фуқаролар дам олиш ҳуқуқига эгадирлар. Иш вақти ва ҳақ тўланадиган меҳнат таътилининг муддати қонун билан белгиланади.

39-модда. Ҳар ким қариганда, меҳнат лаёқатини йўқотганда, шунингдек боқувчисидан маҳрум бўлганда ва қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқига эга.

Пенсиялар, нафақалар, ижтимоий ёрдамнинг бошқа турларининг миқдори расман белгилаб қўйилган тирикчилик учун зарур энг кам миқдордан оз бўлиши мумкин эмас.

40-модда. Ҳар бир инсон малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқига эга.

41-модда. Ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эга.

Бепул умумий таълим олиш давлат томонидан кафолатланади.

Мактаб ишлари давлат назоратидадир.

42-модда. Давлат жамиятнинг илмий, техникавий ва маънавий ривожланишига ғамхўрлик қилади, ватанимиз ва жаҳон, илмий ва маданий қадриятларидан фойдаланиш имкониятларини таъминлайди.

X БОБ. ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИНИНГ КАФОЛАТЛАРИ

43-модда. Давлат фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамланган ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлайди.

44-модда. Ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланади.

45-модда. Вояга етмаганлар, меҳнатга лаёқатсизлар ва ёлғиз кексаларнинг ҳуқуқлари давлат ҳимоясидадир.

XI БОБ. ФУҚАРОЛАРНИНГ БУРЧЛАРИ

46-модда. Барча фуқаролар Конституцияда белгилаб қўйилган бурчларини бажарадилар.

47-модда. Фуқаролар Конституция ва қонунларга риоя этишга, бошқа кишиларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари, шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилишга мажбурдирлар.

48-модда. Фуқаролар Ўзбекистон халқларининг тарихий, маънавий ва маданий меросини авайлаб асрашга мажбурдирлар.

49-модда. Фуқаролар атроф табиий муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлишга мажбурдирлар.

50-модда. Фуқаролар қонун билан белгиланган солиқлар ва маҳаллий йиғимларни тўлашга мажбурдирлар.

51-модда. Ўзбекистон Республикасини ҳимоя қилиш — ҳар бир Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг бурчидир. Фуқаролар қонунда белгиланган тартибда ҳарбий ёки муқобил хизматни ўташга мажбур.

УЧИНЧИ БЎЛИМ

ЖАМИЯТ ВА ШАХС

XII БОБ. ЖАМИЯТНИНГ ИҚТИСОДИЙ НЕГИЗЛАРИ

52-модда. Бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилган Ўзбекистон иқтисоднётининг негизини хилма-хил шакллардаги мулк ташкил этади.

Давлат истеъмолчиларнинг ҳуқуқи устунлигини ҳисобга олиб иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини, барча мулк шаклларининг тенг ҳуқуқлигини ва ҳуқуқий жиҳатдан баббаробар муҳофаза этилишини кафолатлайди.

Хусусий мулк бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат ҳимоясидадир.

Мулкдор фақат қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибдагина мулкидан маҳрум этилиши мумкин.

53-модда. Мулкдор мулкига ўз хоҳишича эгалик қилади, ундан фойдаланади ва уни тасарруф этади. Мулкдан фойдаланиш экологик муҳитга зарар етказмаслиги, фуқаролар, юридик шахслар ва давлатнинг ҳуқуқларини ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузмаслиги шарт.

54-модда. Ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ва бошқа табиий заҳиралар умуммиллий бойликдир, улардан оқилона фойдаланиш зарур ва улар давлат муҳофазасидадир.

XIII БОБ. ЖАМОАТ БИРЛАШМАЛАРИ

55-модда. Ўзбекистон Республикасида қонунда белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган касаба уюшмалари, сиёсий партиялар, олимларнинг жамиятлари, ёшлар ташкилотлари, ижодий уюшмалар, оммавий ҳаракатлар ва фуқароларнинг бошқа уюшмалари жамоат бирлашмалари сифатида эътироф этилади.

56-модда. Конституциявий тузумни зўрлик билан ўзгартиришни мақсад қилиб қўювчи, республиканинг суверенитети, яхлитлиги ва хавфсизлигига, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларига қарши чиқувчи, урушни, ижтимоий, миллий, ирқий ва диний адоватни тарғиб қилувчи, халқнинг соғлиғи ва маънавиятига тажовуз қилувчи, шунингдек ҳарбийлаштирилган бирлашмаларнинг, миллий ва диний руҳдаги сиёсий партияларнинг ҳамда жамоат бирлашмаларининг тузилиши ва фаолияти тақиқланади.

Махфий жамиятлар ва бирлашмалар тузиш тақиқланади.

57-модда. Давлат жамоат бирлашмаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилишини таъминлайди, уларга ижтимоий ҳаётда иштирок этиш учун тенг ҳуқуқий имкониятлар яратиб беради.

Давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг жамоат бирлашмалари фаолиятига аралашишига, шунингдек жамоат бирлашмаларининг давлат органлари ва мансабдор шахслар фаолиятига аралашишига йўл қўйилмайди.

58-модда. Касаба уюшмалари ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқларини ва манфаатларини ифода этадилар ва ҳимоя қиладилар. Касаба ташкилотларига аъзо бўлиш ихтиёрийдир.

59-модда. Сиёсий партиялар турли табақа ва гуруҳларнинг сиёсий иродасини ифодалайдилар ва ўзларининг демократик йўл билан сайлаб қўйилган вакиллари орқали давлат ҳокимиятини тузишда иштирок этадилар. Сиёсий партиялар ўз фаолиятларини молиявий таъминлаш манбалари ҳақида Олий Мажлисга ёки у вакил қилган органга белгиланган тартибда ошкора ҳисоб бериб турадилар.

60-модда. Дин давлатдан ажратилган. Диний бирлашмалар қонун олдида тенгдирлар. Давлат диний бирлашмаларнинг фаолиятига аралашмайди.

61-модда. Жамоат бирлашмаларини тарқатиб юбориш улар фаолиятини тақиқлаб ёки чеклаб қўйиш фақат суд қарори асосидагина амалга оширилади.

XIV БОБ. ОИЛА

62-модда. Оила жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга.

Никоҳ томонларнинг ихтиёрий розилиги ва тенг ҳуқуқлилигига асосланади.

63-модда. Ота-оналар ўз фарзандларини вояга етгунларига қадар боқиш ва тарбиялашга мажбур.

Давлат ва жамият етим болаларни ва ота-оналарининг васийлигидан маҳрум бўлган болаларни боқиш, тарбиялаш ва ўқитишни таъминлайди, улар учун хайрия фаолиятини рағбатлантиради.

64-модда. Болалар, ота-оналарнинг насл-насабидан ва фуқаролик ҳолатидан қатъий назар, қонун олдида тенгдирлар.

65-модда. Вояга етган меҳнатга лаёқатли болалар ўз ота-оналари ҳақида ғамхўрлик қилишга мажбурдирлар.

XV БОБ. ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ

66-модда. Оммавий ахборот воситалари эркиндир ва қонунга мувофиқ ишлайди. Улар ахборотнинг тўғрилиги учун белгиланган тартибда жавобгардирлар.

Цензурага йўл қўйилмайди.

ТЎРТИНЧИ БЎЛИМ

МАЪМУРИЙ-ҲУДУДИЙ ВА ДАВЛАТ ТУЗИЛИШИ

XVI БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ МАЪМУРИЙ-ҲУДУДИЙ ТУЗИЛИШИ

67-модда. Ўзбекистон Республикаси вилоятлар, туманлар, шаҳарлар, шаҳарчалар, қишлоқлар, овуллар, шунингдек Қорақалпоғистон Республикасидан иборат.

68-модда. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳрининг чегараларини ўзгартириш, шунингдек вилоятлар, туманлар ташкил қилиш ва тугатиш учун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг розилиги талаб қилинади.

XVII БОБ. ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

69-модда. Суверен Қорақалпоғистон Республикаси Ўзбекистон Республикаси таркибига киради.

Қорақалпоғистон Республикасининг суверенитети Ўзбекистон Республикаси томонидан муҳофаза этилади.

70-модда. Қорақалпоғистон Республикаси ўз Конституциясига эга.

Қорақалпоғистоннинг Конституцияси Ўзбекистон Конституциясига зид бўлиши мумкин эмас.

71-модда. Ўзбекистон қонунлари Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудида ҳам мажбурийдир.

72-модда. Қорақалпоғистон Республикасининг ҳудуди ва чегаралари унинг розилигисиз ўзгартирилиши мумкин эмас. Қорақалпоғистон Республикаси ўз маъмурий-ҳудудий тузилиши масалаларини мустақил ҳал қилади.

73-модда. Қорақалпоғистон Республикаси Ўзбекистон Республикаси таркибидан Қорақалпоғистон халқининг умумий референдуми асосида ажралиб чиқиш ҳуқуқини сақлаб қолади.

74-модда. Ўзбекистон Республикаси билан Қорақалпоғистон Республикасининг ўзаро муносабатлари Ўзбекистон Республикаси ва Қорақалпоғистон Республикаси ўртасида тузилган шартномалар ҳамда битимлар билан тартибга солинади.

Ўзбекистон Республикаси ва Қорақалпоғистон Республикаси ўртасидаги низолар ўзаро келиштирув таомили ёрдамида ҳал этилади.

БЕШИНЧИ БЎЛИМ

ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИНИНГ ТАШКИЛ ЭТИЛИШИ

XVIII БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ

75-модда. Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси олий давлат вакиллик органи бўлиб, қонун чиқарувчи ҳокимиятни амалга оширади.

76-модда. Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси ҳудудий сайлов округлари бўйича кўп партиялилик асосида беш йил муддатга сайланадиган 150 нафар депутатдан иборат.

Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлисига сайланиш ҳуқуқига сайлов кунигача ва сайлов куни 25 ёшга тўлган Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари эгадирлар.

Депутатликка номзодлар олдига қўйиладиган талаблар қонун билан белгиланади.

77-модда. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг мутлақ ваколатлари жумласига қуйидагилар киради:

1) Ўзбекистон Республикасининг Конституциясини қабул қилиш, унга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш;

2) Ўзбекистон Республикаси қонунларини қабул қилиш ҳамда уларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш;

3) Ўзбекистон Республикасининг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятлари тизимини ва ваколатларини белгилаш;

4) Ўзбекистон Республикаси таркибига янги давлат тузилмаларини қабул қилиш ва уларнинг Ўзбекистон Республикаси таркибидан чиқиши ҳақидаги қарорларни тасдиқлаш;

5) бож, валюта ва кредит ишларини қонун йўли билан тартибга солиш, давлат банкларини бошқариш;

6) маъмурий-ҳудудий тузилиш масалаларини қонун йўли билан тартибга солиш, Ўзбекистон Республикасининг чегараларини ўзгартириш;

7) Ўзбекистон Республикаси ички ва ташқи сиёсатининг асосий йўналишларини белгилаш ва давлат стратегик дастурларини қабул қилиш;

8) Ўзбекистон Республикасининг бюджетини қабул қилиш ва унинг ижросини назорат этиш, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни жорий қилиш;

9) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига ва маҳаллий вакиллик органларига сайлов тайинлаш; Марказий сайлов комиссиясини тузиш;

10) ваколат муддати тугаши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлов кунини тайинлаш;

11) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раисини ва унинг ўринбосарларини сайлаш;

12) Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судини сайлаш;

13) Ўзбекистон Республикаси Олий Судини сайлаш;

14) Ўзбекистон Республикасининг Олий хўжалик судини сайлаш;

15) Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг раисини сайлаш;

16) Ўзбекистон Республикаси Президентининг Бош вазир, унинг биринчи ўринбосари ва ўринбосарларини, Вазирлар маҳкамаси аъзоларини тайинлаш ва лавозимидан озод этиш тўғрисидаги фармонларини тасдиқлаш;

17) Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва унинг ўринбосарларини тайинлаш ва лавозимларидан озод этиш тўғрисидаги фармонларини тасдиқлаш;

18) Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимига биноан Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат банки бошқармасининг раисини тайинлаш ва лавозимидан озод этиш;

19) Ўзбекистон Республикаси Президентининг вазирликлар, давлат қўмиталари ва бошқа давлат бошқаруви органларини тузиш ва тугатиш ҳақидаги фармонларини тасдиқлаш;

20) Ўзбекистон Республикаси Президентининг умумий ёки қисман сафарбарлик эълон қилиш, фавқулодда ҳолат жорий этиш, уни узайтириш ва тўхтатиш тўғрисидаги фармонларини тасдиқлаш;

21) халқаро шартномаларни ва битимларни ратификация ва денонсация қилиш;

22) давлат мукофотлари ва унвонларини таъсис этиш;

23) туманлар, шаҳарлар, вилоятларни ташкил этиш, тугатиш, номини ўзгартиш ва уларнинг чегараларини ўзгартириш;

24) ушбу Конституцияда назарда тутилган бошқа ваколатларини амалга ошириш.

78-модда. Олий Мажлис йиғилиши жами депутатларнинг камида учдан икки қисми иштирок этган тақдирдагина ваколатли ҳисобланади.

КОНСТИТУЦИЯСИ

79-модда. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва унинг органлари йиғилишида Ўзбекистон Республикасининг Президенти, Бош вазир ва Вазирлар маҳкамасининг аъзолари, Республиканинг Конституциявий Суди, Олий Суди, Олий Хўжалик Суди раислари, Бош прокурори, Марказий Давлат Банки бошқармасининг раиси иштирок эта оладилар.

80-модда. Ваколат муддати тугагач, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси янги чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси иш бошлагунига қадар ўз ваколатини сақлаб қолади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг сайловдан кейинги биринчи йиғилиши Марказий сайлов комиссияси томонидан сайловдан кейин икки ойдан кечиктирмай чақирилади.

81-модда. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида қонун лойиҳаларини таклиф этиш ташаббуси билан чиқиш ҳуқуқига Ўзбекистон Республикасининг Президенти, шунингдек ўз давлат ҳокимиятининг олий органи орқали Қорақалпоғистон Республикаси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг депутатлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар маҳкамаси, Ўзбекистон Республикаси Конституциявий Суди, Олий Суди, Олий хўжалик Суди, Бош прокурори эгадирлар.

82-модда. Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси қонунлар, қарорлар ва бошқа ҳужжатлар қабул қилади. Қонунни қабул қилиш учун Олий Мажлис депутатларининг кўпчилик овози талаб этилади.

Қабул қилинган қонунларнинг ва бошқа норматив ҳужжатларнинг матбуотда эълон қилиниши улар қўлланилишининг мажбурий шартидир.

83-модда. Олий Мажлис Раиси ва унинг ўринбосарлари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари орасидан яширин овоз бериш йўли билан сайланади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси ва унинг ўринбосарлари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига ҳисоб бериб турадилар.

Ўзбекистон Олий Мажлиси Раисининг ўринбосарларидан бири Қорақалпоғистон вакили — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг депутати бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси раиси ва унинг ўринбосарларининг ваколат муддати — 5 йил.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси этиб бир шахсни сурункасига икки муддатдан ортиқ сайлаш мумкин эмас.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси, Олий Мажлис депутатларининг учдан икки қисмидан кўпроғининг берган яширин овоз бериш йўли билан муддатидан илгари чақириб олиниши мумкин.

84-модда. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси:

— Олий Мажлис муҳокамасига қўйиладиган масалаларни тайёрлашга умумий раҳбарлик қилади;

— Олий Мажлис йиғилишларини чақиради, Олий Мажлис кун тартибига киритиладиган таклифларни қўмиталар ва комиссиялар раислари билан биргаликда тайёрлайди;

— Олий Мажлис йиғилишларида раислик қилади;

— Олий Мажлис қўмиталари ва комиссияларининг фаолиятини мувофиқлаштириб туради;

— қонунларнинг ва Олий Мажлис қарорларининг бажарилишини назорат қилишни ташкил этади;

— парламентлараро алоқаларни амалга ошириш ишларига ва халқаро парламент ташкилотлари иши билан боғлиқ гуруҳлар фаолиятига раҳбарлик қилади;

— Олий Мажлис Раисининг ўринбосарларини, Олий Мажлис қўмиталари ва комиссиялари раисларини сайлаш учун Олий Мажлисга номзодларни тақдим этади;

— қўмиталар ва комиссиялар раисларининг таклифига мувофиқ қўмиталар ва комиссиялар таркибини ўзгартириб, сўнгра бу ўзгартишларни Олий Мажлис тасдиғига киритади;

— Олий Мажлиснинг матбуот органлари фаолиятига раҳбарликни амалга оширади; Олий Мажлис матбуот органлари низомларини ва таҳрир ҳайъатларини ҳамда уларнинг ишлаши учун зарур ҳаражатлар сметасини тасдиқлайди; Олий Мажлисга қарашли матбуот органлари муҳаррирларини тайинлайди ва лавозимларидан озод қилади;

— Олий Мажлис депутатлари ва девонининг ишлаши учун зарур ҳаражатлар сметасини тасдиқлайди;

— Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қарорларини имзолайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси фармойишлар чиқаради.

85-модда. Олий Мажлис қонун лойиҳалари тайёрлаш ишларини олиб бориш, Олий Мажлисга ҳавола этиладиган масалаларни дастлабки тарзда кўриб чиқиш ва тайёрлаш, Олий Мажлиснинг юқорида кўрсатилган ваколатларини амалга ошириш, қонунларнинг ва Олий Мажлис бошқа қарорларининг ижросини назорат қилиб туриш учун депутатлар орасидан қўмиталар ва комиссиялар сайлайди.

Олий Мажлис зарур бўлган тақдирда доимий ҳамда муваққат ишловчи депутатлик, тафтиш ва бошқа комиссияларни тузади.

86-модда. Олий Мажлис депутатларига белгиланган тартибда уларнинг депутатлик фаолияти билан боғлиқ бўлган ҳаражатлари қопланади. Олий Мажлисда доимий ишлайдиган депутатлар ўз ваколатлари даврида бошқа ҳақ тўланадиган лавозимни эгаллашлари ва тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишлари мумкин эмас.

87-модда. Олий Мажлис депутати дахлсизлик ҳуқуқидан фойдаланади. У Олий Мажлиснинг розилигисиз жиноий жавобгарликка тортилиши, ҳибсга олиниши ёки суд томонидан бериладиган маъмурий жазога тортилиши мумкин эмас.

XIX БОБ.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ПРЕЗИДЕНТИ

88-модда. Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ўзбекистон Республикасида давлатнинг ва ижро этувчи ҳокимиятнинг бошлиғидир.

89-модда. Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига ўттиз беш ёшдан кичик бўлмаган, давлат тилини яхши биладиган, бевосита сайловгача камида 10 йил Ўзбекистон ҳудудида муқим яшаган Ўзбекистон Республикаси фуқароси сайланиши мумкин. Бир шахс сурункасига икки муддатдан ортиқ Ўзбекистон Республикасининг Президенти бўлиши мумкин эмас.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари томонидан умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан беш йил муддатга сайланади. Президентни сайлаш тартиби Ўзбекистон Республикасининг қонуни билан белгиланади.

90-модда. Президент ўз вазифасини бажариб турган даврда сиёсий партияга аъзолигини тўхтатиб туради, бошқа ҳақ тўланадиган лавозимни эгаллаши, вакиллик органининг депутати бўлиши, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши мумкин эмас.

Президентнинг шахси дахлсиздир ва қонун билан муҳофаза этилади.

91-модда. Президент Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси йиғилишида қўйидаги қасамёдни қабул қилган пайтдан бошлаб ўз лавозимига киришган ҳисобланади:

«Ўзбекистон халқига садоқат билан хизмат қилишга, Республиканинг Конституцияси ва қонунларига қатъий риоя этишга, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига кафолат беришга, Ўзбекистон Республикаси Президенти зиммасига юклатилган вазифаларни виждонан бажаришга тантанали қасамёд қиламан».

92-модда. Ўзбекистон Республикасининг Президенти:

1) фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига, Конституция ва қонунларига риоя этилишининг кафилидир;

2) Ўзбекистон Республикасининг суверенитети, хавфсизлиги ва ҳудудий яхлитлигини муҳофаза этиш, миллий-давлат тузилиши масалаларига доир қарорларни амалга ошириш юзасидан зарур чора-тадбирлар кўради;

3) мамлакат ички ва ташқи сиёсатида ва халқаро муносабатларда Ўзбекистон Республикаси номидан иш кўради;

4) музокаралар олиб боради ва Ўзбекистон Республикасининг шартнома ва битимларини имзолайди; Республика томонидан тузилган шартномаларга, битимларга ва унинг мажбуриятларига риоя этилишини таъминлайди;

5) ўз ҳузурида аккредитациядан ўтган дипломатик ва бошқа вакилларнинг ишонч ва чақирув ёрлиқларини қабул қилади;

6) Ўзбекистон Республикасининг чет давлатлардаги дипломатик ва бошқа вакилларини тайинлайди ҳамда лавозимларидан озод қилади;

7) Республика Олий Мажлисига ҳар йили ички ва халқаро аҳвол хусусида маълумотнома тақдим этади;

8) ижро этувчи ҳокимият девонини тузади ва унга раҳбарлик қилади; республика олий ҳокимияти ва бошқарув органларининг баҳамжиҳат ишлашини таъминлайди; Ўзбекистон Республикаси вазирликларини, давлат қўмиталарини ҳамда давлат бошқарувининг бошқа органларини тузади ва тугатади, шу масалаларга доир Фармонларни Олий Мажлис тасдиғига киритади;

9) Бош вазир, Бош вазирнинг биринчи ўринбосари, Вазирлар маҳкамаси аъзоларини, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва унинг ўринбосарларини тайинлайди ва лавозимидан озод қилади, кейинчалик бу масалаларни Олий Мажлиснинг тасдиғига киритади;

10) Олий Мажлисга Конституциявий суд раиси ва аъзолари, Олий суд раиси ва аъзолари, Олий хўжалик суди раиси ва аъзолари, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқармасининг раиси, Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг раиси лавозимларига номзодларни тақдим этади;

11) вилоят, туман, шаҳар ва хўжалик судларининг судьяларини тайинлайди ва лавозимларидан озод этади;

12) вилоятлар ҳокимларини ва Тошкент шаҳар ҳокимини тайинлайди ва лавозимидан озод қилади, бу масалаларни тегишли халқ депутатлари Кенгашининг тасдиғига қўяди; Конституцияни, қонунларни бузган, ҳоким шаъни ва қадр-қимматига доғ туширадиган ҳатти-ҳаракат қилган туман ва шаҳар ҳокимларини Президент ўз қарори билан лавозимидан озод этишга ҳақли;

13) республика бошқарув органларининг, шунингдек ҳокимларнинг қабул қилган ҳужжатларини тўхтатади ва бекор қилади;

14) Ўзбекистон Республикасининг қонунларини имзолайди; қонунга ўз эътирозларини илова этиб, уни такрорий муҳокама қилиш ва овозга қўйиш учун Олий Мажлисга қайтаришга ҳақли. Агар Олий Мажлис илгари ўзи қабул қилган қарорни учдан икки қисмдан иборат кўпчилик овоз билан тасдиқласа, Президент қонунни имзолайди;

15) фавқулодда вазиятлар (реал ташқи хавф, оммавий тартибсизликлар, йирик ҳалокат, табиий офат, эпидемиялар) юз берган тақдирда фуқароларнинг хавфсизлигини таъминлашни кўзлаб, Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида ёки унинг айрим жойларида фавқулодда ҳолат жорий этади, қабул қилган қарорини уч кун мобайнида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг тасдиғига киритади. Фавқулодда ҳолат жорий этиш шартлари ва тартиби қонун билан белгиланади;

16) Республика Қуролли Кучларининг Олий Бош қўмондони ҳисобланади. Қуролли Кучларнинг олий қўмондонларини тайинлайди ва вазифасидан озод қилади; олий ҳарбий унвонларни беради;

17) Ўзбекистон Республикасига ҳужум қилинганда ёки тажовуздан бир-бирини мудофаа қилиш юзасидан тузилган шартнома мажбуриятларини бажариш зарурияти туғилганда уруш ҳолати эълон қилади, бу қарорини уч кун ичида Олий Мажлис тасдиғига киритади;

18) Ўзбекистон Республикасининг орденлари, медаллари ва ёрлиғи билан мукофотлайди, Ўзбекистон Республикасининг малакавий ва фахрий унвонларини беради;

19) Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигига ва сиёсий паноҳга беришга оид масалаларни ҳал этади;

20) Ўзбекистон Республикасининг судлари томонидан ҳукм қилинган фуқароларни гуноҳидан кечади ва авф этиш тўғрисидаги ҳужжатларни қабул қилади;

21) Ўзбекистон Республикасининг қонунларига мувофиқ ўз ваколатига берилган бошқа масалаларни ҳал қилади.

Президент ўз ваколатларини бажаришни давлат идораларига ёки мансабдор шахсларга топширишга ҳақли эмас.

93-модда. Ўзбекистон Республикасининг Президенти Конституцияга ва қонунларга асосланиб ҳамда уларни ижро этиш юзасидан республиканинг бутун ҳудудида мажбурий кучга эга бўлган фармонлар, қарорлар ва фармойишлар чиқаради.

94-модда. Олий Мажлис таркибида унинг нормал фаолиятини таҳдидга соладиган ҳал қилиб бўлмайдиган ихтилофлар юз берганда ёҳуд у бир неча марта Конституцияга зид қарорлар қабул қилган тақдирда, Президентнинг Конституциявий Суд билан бамаслаҳат қабул қилган қарори асосида Олий Мажлис тарқатиб юборилиши мумкин. Олий Мажлис тарқатилгандан сўнг унга янги сайлов уч ой мобайнида ўтказилади.

Олий Мажлис фавқулодда ҳолат жорий этилган даврда тарқатилиши мумкин эмас.

95-модда. Ўзбекистон Республикасининг Президенти бетоблиги сабабли ўз вазифасини бажара олмаслиги Олий Мажлис тузган давлат тиббий комиссияси хулосаси билан тасдиқланган тақдирда ўн кун муддат ичида Олий Мажлиснинг фавқулодда йиғинида депутатлар орасидан Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини вақтинча бажарувчи сайланади. Бу ҳолда уч ой муддат ичида Ўзбекистон Республикаси Президентининг умумхалқ сайлови ўтказилиши шарт.

96-модда. Ваколат муддати тугаши муносабати билан истеъфога чиққан Президент умрбод Конституциявий Суд аъзоси этиб тасдиқланади.

XX БОБ.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ

97-модда. Вазирлар маҳкамаси таркибини Ўзбекистон Республикаси Президенти тузади ва у Олий Мажлис томонидан тасдиқланади.

Қорақалпоғистон Республикаси ҳукуматининг бошлиғи Вазирлар маҳкамаси таркибига ўз лавозими бўйича киради.

Вазирлар маҳкамаси иқтисодиётнинг, ижтимоий ва маънавий соҳанинг самарали фаолиятига раҳбарликни қонунлар, Олий Мажлиснинг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари ижросини таъминлайди.

Вазирлар маҳкамаси амалдаги қонунларга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги барча органлар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан бажарилиши мажбурий бўлган қарорлар ва фармойишлар чиқаради.

Вазирлар маҳкамаси янги сайланган Олий Мажлис олдида ўз ваколатларини зиммасидан соқит қилади.

Вазирлар маҳкамасининг фаолиятини ташкил этиш тартиби ва ваколат доираси қонун билан белгиланади.

XXI БОБ.

МАҲАЛЛИЙ ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ АСОСЛАРИ

98-модда. Вилоятлар, туманлар ва шаҳарларда (туманга бўйсунадиган шаҳарлардан, шунингдек шаҳар таркибига кирувчи туманлардан ташқари) ҳокимлар бошчилик қиладиган халқ депутатлари Кенгашлари ҳокимиятнинг вакиллик органлари бўлиб, улар давлат ва фуқароларнинг манфаатларини кўзлаб ўз ваколатларига тааллуқли масалаларни ҳал этадилар.

99-модда. Маҳаллий ҳокимият органлари ихтиёрига қуйидагилар киради:

қонунийликни, ҳуқуқ-тартиботни ва фуқароларнинг хавфсизлигини таъминлаш;

ҳудудларни иқтисодий, ижтимоий ва маданий ривожлантириш масалалари;

маҳаллий бюджет, маҳаллий солиқлар, йиғимларни белгилаш ва улардан фойдаланиш; бюджетдан ташқари жамғармаларни ҳосил қилиш;

коммунал хўжаликни бошқариш;

атроф-муҳитни муҳофаза қилиш;

фуқаролик ҳолатларини қайд этишни таъминлаш;

норматив ҳужжатларни қабул қилиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ва Ўзбекистон Республикаси қонунларига зид келмайдиган бошқа ваколатларни амалга ошириш.

100-модда. Маҳаллий ҳокимият органлари Ўзбекистон Республикасининг қонунларини, Президент фармонларини, давлат ҳокимиятининг юқори органлари қарорларини амалга оширадилар, халқ депутатлари қўйи Кенгашлари фаолиятига раҳбарлик қиладилар, республика ва маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни муҳокама қилишда қатнашадилар.

Юқори органларнинг ўзларига берилган ваколат доирасида қабул қилган қарорлари қўйи органлар ижро этиши учун мажбурийдир.

Ҳалқ депутатлари Кенгашлари ва ҳокимларнинг ваколатлари муддати — 5 йил.

101-модда. Вакиллик ва ижроия ҳокимиятни тегишли бўлишлигига қараб, вилоят, туман ва шаҳар ҳокимлари бошқаради.

Вилоятлар ҳокимлари ва Тошкент шаҳри ҳокими Президент томонидан тайинланади ва лавозимидан озод қилинади ҳамда тегишли халқ депутатлари Кенгаши томонидан тасдиқланади.

Туман ва шаҳарларнинг ҳокимлари тегишли вилоят ҳокими томонидан тайинланади ҳамда тегишли халқ депутатлари Кенгаши томонидан тасдиқланади.

Шаҳарлардаги туманларнинг ҳокимлари тегишли шаҳар ҳокими томонидан тайинланади ва шаҳар халқ депутатлари Кенгаши томонидан тасдиқланади.

102-модда. Вилоят, туман ва шаҳар ҳокимлари ўз ваколатларини яккабошчилик асосида амалга оширадилар ва ўзлари раҳбарлик қилаётган органларнинг қарорлари ва ҳаракатлари учун шахсан жавобгардирлар.

Барча бўғиндаги халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари ва ҳокимларининг фаолиятини ташкил қилиш, уларнинг ваколат доираси ва сайланиш тартиби қонунлар билан белгиланади.

103-модда. Ҳоким ўзига берилган ваколатлар доирасида тегишли ҳудуддаги барча корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, бирлашмалар ва жамиятлар, шунингдек мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан бажарилиши мажбурий бўлган қарорлар қабул қилади.

104-модда. Қишлоқ ва маҳаллаларда фуқароларнинг йиғинлари ўзини-ўзи бошқариш органлари бўлиб, улар икки ярим йил муддатга Кенгаш раисини (оқсоқолини) ва унинг маслаҳатчиларини сайлайди.

Ўзини-ўзи бошқариш органларини сайлаш тартиби, фаолиятини ташкил этиш ҳамда ваколат доираси қонун билан белгиланади.

XXII БОБ.

САЙЛОВ ТИЗИМИ

105-модда. Ўзбекистон Республикасининг барча фуқаролари вакиллик органларига сайлаш ва сайланиш ҳуқуқига эга. Ҳар бир сайловчи бир овозга эга. Овоз бериш ҳуқуқи, ўз хоҳиш-иродасини билдириш тенглиги ва эркинлиги қонун билан кафолатланади.

Ўзбекистон Республикасида Президент сайлови, ҳокимиятнинг вакиллик органлари сайлови умумий, тенг, тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан ўтказилади. Ўзбекистон Республикасининг 18 ёшга тўлган фуқаролари сайлаш ҳуқуқига эгадирлар.

Суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган фуқаролар, шунингдек озодликдан маҳрум этиш жойларида жазосини ўтаётган маҳкумлар сайланиши мумкин эмас ва сайловда қатнашмайдилар. Бошқа ҳар қандай ҳолларда фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларини тўғридан-тўғри ёки билвосита чеклашга йўл қўйилмайди.

Ўзбекистон Республикаси фуқароси бир вақтнинг ўзида иккидан ортиқ вакиллик органида депутат бўлиши мумкин эмас.

Сайлов ўтказиш тартиби қонун билан белгиланади.

XXIII БОБ.

СУД ҲОКИМИЯТИ

106-модда. Ўзбекистон Республикасида суд ҳокимияти қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлардан, сиёсий партиялардан, бошқа жамоат бирлашмаларидан мустақил ҳолда иш юритади.

107-модда. Ўзбекистон Республикасининг Суд тизими 10 йил муддатга сайланадиган Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди, Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди, Қорақалпоғистон Республикасининг Олий Судидан, беш йил муддатга тайинланадиган вилоят судлари, Тошкент шаҳар суди, туман, шаҳар ва хўжалик судларидан иборат.

Судларни ва уларнинг фаолиятини ташкил этиш тартиби қонун билан белгиланади.

Фавқулодда судлар тузишга йўл қўйилмайди.

108-модда. Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди қонун чиқарувчи ва ижроия этувчи ҳокимиятларнинг ҳужжатлари Конституцияга қанчалик мослигига доир ишларни кўради.

Конституциявий суд сиёсат ва ҳуқуқ соҳасидаги мутахассислар орасидан Конституциявий суд раиси, раис ўринбосари ва судьяларидан шу жумладан Қорақалпоғистон Республикасининг вакилидан иборат таркибда сайланади.

Конституциявий суднинг раиси ва аъзолари депутат бўла олмайдилар. Конституциявий суднинг раиси ва аъзолари сиёсий партиялар ва ҳаракатларнинг аъзоси қилинган пайтдан бошлаб кучга киради. Улар қатъий ва улар устидан шикоят қилиш мумкин эмас.

Конституциявий судни ташкил этиш ва унинг фаолият тартиби қонун билан белгиланади.

110-модда. Ўзбекистон Республикаси Олий суди — фуқаролик, жиноий ва маъмурий судлов ишларини юргизиш борасида суд ҳокимиятининг олий органи ҳисобланади.

У томонидан қабул қилинган ҳужжатлар қатъий ва Республиканинг барча ҳудудида бажарилиши мажбурий.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди — Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди, вилоятлар, шаҳар ва туман судларининг судлов фаолияти устидан назорат олиб бориш ҳуқуқига эга.

111-модда. Мулкчиликнинг турли шаклларига асосланган корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, шунингдек тадбиркорлар ўртасида, иқтисодиёт соҳасида ва уни бошқариш жараёнида вужудга келадиган хўжалик низоларини ҳал этиш хўжалик судлари томонидан уларнинг ваколатлари доирасида амалга оширилади.

112-модда. Судьялар мустақилдирлар, фақат қонунга бўйсунадилар. Судьяларнинг одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолиятига бирон бир тарзда аралашишга йўл қўйилмайди ва бундай аралашиш қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади.

Судьяларнинг дахлсизлиги қонун билан кафолатланади.

Олий суд ва Олий хўжалик суди раислари ва аъзолари Олий Мажлиснинг депутати бўлолмайдилар.

Судьялар, шу жумладан туман судьялари сиёсий партиялар ва ҳаракатларнинг аъзоси бўлишлари ва ҳақ тўланадиган бирон-бир бошқа лавозимни эгаллашлари мумкин эмас.

Судья ваколат муддати тугагунга қадар судьялик вазифасидан қонунда кўрсатилган асослар бўлгандагина озод этилиши мумкин.

113-модда. Ҳамма судларда ишлар очиқ кўрилади. Ишларни ёпиқ мажлисда тинглашга қонунда белгиланган ҳоллардагина йўл қўйилади.

114-модда. Суд ҳокимияти чиқарган ҳужжатлар барча давлат органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар учун мажбурийдир.

115-модда. Ўзбекистон Республикасида суд ишларини юритиш ўзбек тилида, қорақалпоқ тилида, ёки муайян жойдаги кўпчилик аҳоли сўзлашадиган тилда олиб борилади. Суд ишлари олиб борилаётган тилни билмаган судда қатнашувчи шахсларнинг таржимон орқали иш материаллари билан тўла танишиш ва суд ишларида иштирок этиш ҳуқуқи ҳамда судда она тилида сўзлашиш ҳуқуқи таъминланади.

116-модда. Айбланувчи ҳимояланиш ҳуқуқи билан таъминланади. Суд ва тергов ишини юритишнинг ҳар қандай босқичида малакали юридик ёрдам олиш ҳуқуқи кафолатланади. Фуқароларга, корхона, муассаса ва ташкилотларга юридик ёрдам бериш учун адвокатура фаолият кўрсатади. Адвокатурани ташкил этиш ва унинг иш тартиби қонун билан белгиланади.

XXIV БОБ.

ПРОКУРАТУРА

117-модда. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назоратни Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори ва унга итоат қилувчи прокурорлар амалга оширади.

118-модда. Прокуратура органларининг ягона марказлаштирилган тизимига Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори бошчилик қилади.

Қорақалпоғистон Республикасининг Прокурори Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори билан келишилган ҳолда Қорақалпоғистон Республикасининг олий вакиллик органи томонидан тайинланади.

Вилоятларнинг прокурорлари, туман ва шаҳар прокурорлари Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори томонидан тайинланади.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг, Қорақалпоғистон Республикаси Прокурорининг вилоят, туман ва шаҳар прокурорларининг ваколат муддати — 5 йил.

119-модда. Ўзбекистон Республикаси Прокуратура органлари ўз ваколатларини ҳар қандай давлат органлари, жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахслардан мустақил ҳолда, фақат қонунга бўйсуниб амалга оширадилар.

Прокурорлар ўз ваколатлари даврида сиёсий партияларга ва сиёсий мақсадларни кўзловчи бошқа жамоат бирлашмаларига аъзоликни тўхтатиб турадилар.

Прокуратура органларини ташкил этиш, уларнинг ваколатлари ва фаолият тартиби қонун билан белгиланади.

120-модда. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жиноятчиликка қарши кураш бўйича тезкор-қидирув, тергов ва бошқа махсус вазифаларни мустақил равишда бажарувчи хусусий кооператив ташкилотлар, жамоат бирлашмалари ва уларнинг бўлинмаларини тузиш ҳамда уларнинг фаолият кўрсатиши таъқиқланади.

Қонунийлик ва ҳуқуқий тартиботни, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга жамоат ташкилотлари ва фуқаролар ёрдам кўрсатишлари мумкин.

XXV БОБ.

МОЛИЯ ВА БЮДЖЕТ

121-модда. Ўзбекистон Республикаси ўз молия ва пул-кредит тизимига эга.

Ўзбекистоннинг давлат бюджети Республика бюджетидан, Қорақалпоғистон Республикаси бюджетидан ва маҳаллий бюджетлардан иборат.

122-модда. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ягона солиқ тизими амал қилади. Солиқлар жорий қилишга фақат Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси ҳақли.

123-модда. Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини Республика Марказий банки бошқаради.

XXVI БОБ.

МУДОФАА ВА ХАВФСИЗЛИК

124-модда. Ўзбекистон Республикасининг Қуролли Кучлари республика манфаатларини, аҳолининг тинч ҳаётини, Ўзбекистон Республикасининг давлат суверенитетини ва ҳудудий яхлитлигини ҳимоя қилиш учун ташкил этилади.

Қуролли Кучларнинг тузилиши ва уларни ташкил этиш қонун билан белгиланади.

125-модда. Ўзбекистон Республикаси ўз хавфсизлигини таъминлаш учун етарли даражада қуролли кучларига эга.

ОЛТИНЧИ БЎЛИМ

КОНСТИТУЦИЯНИ ЎЗГАРТИРИШ ТАРТИБИ

126-модда. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартишлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси жами депутатларининг камида учдан икки қисмидан иборат кўпчилиги томонидан қабул қилинган қонунлар билан киритилади.

127-модда. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси тегишли таклиф киритилгандан кейин олти ой мобайнида Конституцияга ўзгартишлар ҳамда тузатишлар тўғрисида кенг ва ҳар тарафлама муҳокамани ҳисобга олган ҳолда қонун қабул қилиши мумкин. Агар Олий Мажлис Конституцияни ўзгартириш тўғрисидаги таклифни рад этса, таклиф бир йил ўтгандан кейингина қайта киритилиши мумкин.

«ҚУВАСОЙДА ҲОКИМ ЎЗГАРДИ»

(Давоми. Боши биринчи бетда).

сабдор шахсларни қабул қилиш ҳоким томонидан асосан «Қувасойшиша» ишлаб чиқариш бирлашмасида амалга оширилдиган бўлиб қолди. Бу ҳам етмаганидек, тарафкашликка йўл қўйилди. Осойишталиги бузилган шаҳар халқи ҳокимни ўзгартириб беришни талаб қилди. Д. Искандаров шаҳар ҳокими этиб тайинлангач, бу ердаги ижтимоий-иқтисодий аҳвол яхшилана бошлади.

Риштон районида ҳоким тайинлаш пайтида номзод хусусида турли гап-сўзлар бўлган эди. Бироқ фахрийлар ва фаоллар фикри инобатга олинмай Ғ. Фозиловнинг тазйиқи билан Х. Одилов тайинланди. Халқ орасида эса норозилик кучаяверди. Унинг биринчи ўринбосари Ғ. Мамажонов ҳам «Риштон» давлат хўжалиги директори бўлиб ишлаган даврида йўл қўйган қўпол хатоларига қарамай, янги вазифани бажаришда давом этиб келаверган. Ўзбекистон ХДП район Кенгаши ижроия бюросида қилмиш учун унга ҳайфсан эълон қилинган. 1992 йил 2 октябрь куни бўлиб ўтган район Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида Х. Одилов ва Ғ. Мамажоновлар вазифаларидан бўшатилди.

Фарғона шаҳрининг собиқ раҳбари Х. Мамажоновнинг саломатлиги яхши эмаслиги вилоят ҳокимлигига маълум бўлса-да, у шаҳар ҳокимлигига тайинланди. Оқибатда шаҳарнинг ижтимоий-иқтисодий ривожига путур етди. Шаҳар аҳолиси бу хусусда вилоят ҳокимлигига норозилик билдира бошлади. Вилоят ҳокимлиги Фарғона шаҳар ҳокимини ўз вазифасидан озод қилишни лозим топди. Шаҳар Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида депутатлар вилоят ҳокими тавсия этган номзодни хурсандчилик билан кутиб олдилар.

Тошлоқ районининг собиқ ҳокимини тайинлашда унинг бебошлиги, манмансираши, ҳамма нарсани ўзим биламан қабилида иш юритишидан нолиб район меҳнаткашларидан кўплаб ҳар хил шикоятлар тушган эди. Бир неча марта аҳоли гуруҳлари Ғ. Фозилов қабулида бўлишиб, район ҳокими номзодини танлашга адолатли ёндошишни талаб қилишган. Аммо у ҳеч ким билан маслаҳатлашмади.

Районнинг ҳокими Қ. Сотволдиев республика Президенти Фармонлари ва ҳукумат қарорларини бажаришда лоқайдликка йўл қўйилганлиги вилоят давлат назорат қўмитасининг текширувидан сўнг аён бўлиб қолди. 800 тонна давлат тасарруфидаги ва хўжаликлар ихтиёридаги пахта толасини савдо ташкилотларига ўта арзон нархда бериб юборишга сабабчи бўлгани учун у ўз вазифасидан озод қилинди.

Охунбобоев райони аҳолиси, фаоллари район Кенгаши раисининг фаолиятидан норози бўлиб ҳокимлик лавозимига шу ерлик, бир неча йиллар районда ҳар хил вазифаларда ишлаб, омма ҳурматига эришган, сўнгги пайтларда вилоят ҳокимиятида бўлим мудири бўлиб ишлаб келаётган М. Аҳмадхўжаевни тайинлашни талаб қилишди. Халқ фикрини ўрганиб келиш учун вилоятга юборилган вакиллар ҳам асосан бунга тасдиқлашди. Аммо Ғ. Фозилов район Кенгашининг сессиясини шошилинч чақиришни топширди ва раҳбар депутатларни яккама-якка қабул қилиб ўзи тавсия қилаётган номзодга қарши чиқмасликни тайинлади. Аҳолининг жиддий норозилигига қарамай район ҳокимлигига пинҳоний ва айёрлик йўли билан илгари бу ерда ишламаган, Фарғона райони ҳудудида яшовчи Т. Ғаниев тайинланди. Яқинда район Кенгашининг фаоллар иштирокида ўтказилган навбатдан ташқари сессиясида вилоят ҳокимияти ташкилий ва кадрлар билан ишлаш бўлими мудири вазифасини бажарувчи М. Аҳмадхўжаев бир овоздан Охунбобоев райони ҳокими этиб тасдиқланди. Бундай камчиликларга бошқа район ва шаҳарларда ҳам йўл қўйилган. Ҳозир бу ерларда ҳам вазиятни соғломлаштириш, халқ фикрини ўрганиш бўйича иш олиб борилмоқда.

Вилоят бўлим ва бошқармалари, муассаса ва ташкилотлари раҳбарларини танлашда ҳам юзакичилик, шошма-шошарлик, масъулиятсизликка йўл қўйилган эди. Вилоятдаги энг йирик жамоалардан бири—ички ишлар бошқармасининг собиқ бошлиғи Р. Абдуллаев республика ички ишлар вазирининг ўринбосари этиб тайинланганидан сўнг Ғ. Фозиловнинг талабига кўра Т. Муллажонов бошқарма бошлиғи этиб тайинланди. Янги бошлиқ ўз вазифасини эплай олмаганлиги оқибатида вилоятда жиноятчилик ортиб кетди. Ҳаттоки, милиция ходимлари ўртасида хизмат интизомини қўпол равишда бузиш, бошлиққа бўйсунмаслик ҳоллари юз бера бошлади. Кадрлар танлашда хатога йўл қўйилганини хаспўшлаш мақсадида Т. Муллажонов республика Ички ишлар вазирлигига ишга олиниб, вазифасидан бўшатилди. Бошқарма бошлиғининг ўринбосари Б. Раҳмоналиев бир неча ойлар бошлиқ вазифасини вақтинча бажариб келди. Т. Муллажонов фақат кўрсатма бўйича иш юритиши, шунга асосан 1992 йилда Қўқон шаҳар ички ишлар бўлими бошлиғи, талабчан раҳбар, ўз касбини устаси Ш. Рўзматовни вазифасидан озод қилиши фикримизни далилидир. Лекин шаҳар ички ишлар бўлимининг шахсий составини ўз раҳбарининг ноҳақ ишдан бўшатилишига йўл қўймади. Буйруқ бекор қилинди. Яқинда у вилоят ички ишлар бошқармаси бошлиғи вазифасига тайинланди.

Вилоят партия қўмитасининг иккинчи котиби бўлиб ишлаган Г. Д. Котоврасовга Ғ. Фозилов ўз марҳаматини кўрсатиб, уни давлат мулкини хусусийлаштириш вилоят бошқармасига бошлиқликка тавсия қилди. Мансабидан фойдаланган бошлиқ бир неча миллион сўм турадиган камёб ҳисобланган пармалаш ускуналарини Россияга текинга бериб юбориш ҳақида ҳужжат тайёрлади. Ўз ҳаракати билан у мустақил Ўзбекистон Республикасига катта моддий зарар етказишни режалаштирган эди. Аммо вилоят ҳокимияти томонидан бу иқтисодий жиноятнинг олди олинди. Г. Котоврасов вазифасидан бўшатилди.

Фарғона давлат университетига бир неча ойлаб ректор қўйилмади. Таълим-тарбия, илмий ишларга анча путур етди. Яқиндагина бу олий илм даргоҳига илгари кўп йиллар шу ерда раҳбар бўлиб ишлаган, вазифасидан ноҳақ бўшатилган физика-математика фанлари доктори, профессор Б. О. Отақулов ректор этиб тайинланди.

Вилоят савдо идоралари ишида ҳам камчиликлар кўп. Шунинг учун матлубот жамиятлари вилоят уюшмаси раиси А. Йўлдошев, вилоят савдо бошқармаси бошлиғи У. Сайдаматов ўз вазифаларидан озод қилинди. Уларнинг ўрнига ишнинг кўзини биладиган, тажрибали мутахассислар қўйилди.

Вилоятнинг собиқ ҳокими Ғ. Фозилов кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйишдек ўта масъулиятли ишга нотўғри ёндошганлиги оқибатида вилоятдаги илгаритдан жонкуярлик билан меҳнат қилиб келаётган раҳбарларнинг ҳам ишдан кўнгиллари совий бошлади. Давлат ва меҳнат интизоми бўшашиб кетди. Қонунлар ишламай қолди.

Қишлоқ хўжалиги, саноат ва бошқа соҳаларда сезиларли даражада орқага кетилди. Аҳолининг саноат ва озиқ-овқат маҳсулотлари таъминотида адолатсизликлар юз берди. Бундан фойдаланган норасмий ташкилотлар ўз фаолиятларини активлаштирдилар. Ҳар хил рухсат берилмаган митинглар, аҳоли ўртасида мишмишлар тарқалиши, чайқовчиликнинг авж олиб кетиши халқ ғазабини қўзғатди. Жиноятчи унсурлар эса ўзларини эркин сеза бошладилар. Одам ўлдириш, номусга тегиш, босқинчилик каби оғир жиноят турлари ортиб кетди.

Ғ. Фозилов у ёки бу вазифага кадр танлашда унинг кўпроқ ишчанлиги, жамиятдаги обрўси, аҳолининг фикри билан эмас, балки унга шахсий садоқати, ота-онаси, қариндош-уруғининг мавқеи нуқтаи-назаридан ёндошди. Масалан, Фарғона районининг собиқ раҳбари Қ. Икромов фаолиятидаги йўл қўйилган қўпол хатолари, аҳолининг норозилиги сабабли район ҳокимлигига тавсия этилмади. Аммо шунга қарамай у Ғ. Фозиловнинг шахсан топшириғига биноан вилоят қишлоқ хўжалиги тақдирини ҳал қиладиган энг масъулиятли участкалардан бири — вилоят қишлоқ хўжалигини таъминлаш ва техникани таъмирлаш бирлашмасига, шу меҳнат жамоасининг қаршилигига қарамай мажбуран бошлиқ этиб қўйилди. Ноқобил бошлиқ бу ерда ҳам ишларни барбод қилди ва оқибатда вазифасидан бўшатилди.

Вилоят ҳокимлиги аппаратидаги бир неча тажрибали кадрларни штат қисқариши ниқоби остида қувғин қилди. Улар ўрнига аллақачон фахрийлик ёшини суриб юрган, мутахассислигининг тайини йўқ кишилар қўйилди. Бу хатолар қисман тузатилди.

Ҳозир вилоят ҳокимиятида бутун эътибор вилоятнинг ижтимоий-сиёсий аҳволини соғломлаштириш, кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш ва тарбиялаш ишларига қаратилган. Шубҳасиз, бу тез фурсатда ўз самарасини беради.

А. МУХТОРОВ,
Фарғона вилояти ҳокимининг биринчи ўринбосари.

ТОЖИКИСТОН: МУЗОКАРАЛАР ОРҚАЛИ МУРОСАГА

(Давоми. Боши биринчи бетда).

ҳисобламоқдалар. Ҳозир Хўжанд сиёсий ва иктисодий жиҳатдан энг барқарор район бўлиб қолди. Бу ерда завод ва фабрикалар ишлаб турибди, пахта йиғим-терими ниҳоясига етай деб қолди. Тўғри, бу шинам ва ям-яшил шаҳарнинг улуғвор Сирдарё икки соҳилидаги кўчаларида қуролли аскарлар тобора кўпаймоқда, чорраҳаларда Бронетранспортёрлар турибди. Бундай эҳтиёт чораларини кўрмай бўлмайди. Халқ ноибларига тазйиқ ўтказиб, уларнинг ўз фикрини ўзгартиришга мажбур қилишга уриниш ҳоллари кўп бўлди...

Шунга қарамай, сессия ўз ишини давом эттирмоқда. Ҳолбуки бир қанча ахборот агентликлари сессиянинг икки кунлик танаффуса чиққанлиги ҳақида асоссиз хабар тарқатдилар. Сессия олдинги кун тартибидаги 10 та масала ўрнига 23 та масалани тасдиқлади. Асосий масалалар орасида Тожикистон Республикаси Олий Кенгаши Раёсатининг Раисини сайлаш, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги тинчлик ўрнатувчи кучларини киритиш, қочоқларни доимий истиқомат жойларига қайтариш, ижтимоий-сиёсий вазиятни барқарорлаштириш, Тоғли Бадахшон мухтор ўрамига ва Москва туманига вертолётларда қурол-яроғ келтирилганлиги ҳақидаги ва бошқа масалалар бор. Уларни ҳал этмай туриб, тотувликка эришиб бўлмайди.

Кеча ноиблар ҳеч қандай баҳс-мунозарасиз Тожикистон Республикаси Олий Кенгаши Раёсати бутун таркибининг истеъфога чиқиш аризасини қабул қилдилар. Лекин халқ ноиблари Тожикистон Президенти вазифасини бажараётган Олий Кенгаш Раиси А. Искандаровга ишонч билдириш, овозга қўйилишига қандай муносабатда бўлишлари бутун республикани қизиқтирди солди. Яширин овоз бериш бир хил натижа кўрсатди: овоз беришда қатнашган 196 халқ ноибидан 141 нафари Искандаровнинг истеъфога чиқишини ёқлаб овоз берди.

Акбаршо Искандаров ЎзА муҳбири билан суҳбатда бундай деди:

Воқеалар изидан

— Республика бошлиғи лавозимида турган бир неча ой ҳаётимдаги энг қийин даврдир. Ҳозир, халқ ноиблари мени чақириб олиш учун овоз берганларидан кейин ўзимни анча енгил ҳис этдим. Аммо ўз ватаним тақдири учун жон куйдирадиган Тожикистон фуқароси сифатида сиёсий ҳаётдан четда тура олмайман.

Собиқ парламент раисининг фикри битта: ҳамиша марказ кўрсатмаси билан иш тутган тоғли республика демократияга ўтишга тайёр эмас эди. Бу ерда истиқлолни ҳар ким ўзича тушунди. Натижада ўзаро қонли жанг бошланди...

Натижада Тожикистон Республикаси Олий Кенгаши Раиси лавозимига Кўлоб вилоят ижроия комитетининг раиси И. Раҳмонов номзоди овозга қўйилди. Ноибларнинг фикрича, бу — тасодиф эмас. Ҳозирги вақтда Тожикистондаги ижтимоий-сиёсий кучларнинг нисбатида кўлобликлар алоҳида ўрин тутади. Вазирлар Кенгашининг собиқ Раиси Иззатулло Ҳаёев номзоди ҳам кўрсатилди. Лекин у саломатлиги яхши эмаслигини айтиб, ўз номзодини қайтариб олди. Ҳа, тоғли ўлкадаги ғоят қийин ҳозирги пайтда вазиятни барқарорлаштириш ва миллатлараро тотувлик учун масъулиятни катта ҳурмат-эътиборга сазовор бўлган кучли шахсгина ўз зиммасига олиши мумкин.

Кеча ва бугун музокаралар анча қизғин ўтди дейиш мумкин. Мана, Тожикистон халқ ноиби Муллоҳайдар Шариповнинг фикри:

— Мустақил республикамизда вазият барқарор тус олмас экан, барча сиёсий партиялар ва ҳаракатларнинг фаолиятини тўхтатиб қўйиш зарур. Бундай сўнгги чора кўрилмаса, биз тинчлик ва тотувликка эриша олмаймиз.

Сессия тезарагида Тожикистоннинг турли вилоятларидан келган ноиблар билан кўп гаплашдим. Уларнинг фикри бирбирига ўхшамайди. Шунга қарамай, Хўжандда сиёсий ҳокимият учун кураш кетмоқда. Бу курашда республиканинг шимоли ва жануби манфаатларини бир-бирига қарама-қарши қўйиш мумкин эмас. Тўғрироғи, тўрт-беш минтақа ўртасида рақобат давом этмоқда. Лекин республика пойтахти Душанбеда сессия қарорига қандай муносабатда бўлишаркин, деган ҳаққоний савол туғилади. Чунки сессия қарорини у ерда инобатга олмасликка уринишлари ҳам мумкин...

Ҳақиқатан ҳам шундай бўлиши мумкин, дейишмоқда сессияда иштирок этаётган ноиблар. Бир қанча ноиблар фракциялари вакилларининг бу хусусда ўз таклифи бор: қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимият идораларини вазият тўла барқарор бўлгунга қадар бошқа жойга кўчириш керак.

Бир қанча вилоятларнинг вакиллари тоғли ўлка давлат тузилишини вақтинча ўзгартириш мумкин деб ўйламоқдалар. Яъни Президентлик бошқарувини тўхтатиб, бутун ҳокимиятни Олий Кенгаш ва Давлат Кенгашига, миллатлараро тотувлик ҳукуматига топшириш мумкин деб хисобламоқдалар. Айтмоқчи, бугун Тожикистон Вазирлар Маҳкамасининг истеъфоси тўғрисидаги масала муҳокама қилинади.

...Икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Саидҳўжа Ўринхўжаев номидаги жамоа хўжалигининг махсус вазифаларни бажарувчи қўшинлар қўриқлаб турган ҳашаматли Маданият саройи пештоқида шу тарихий анжуманнинг биринчи кунидаги каби «Халқ ноиблари! Республика халқи сизларни ақл-заковат билан иш тутишга даъват этади!» деган шиор осиғлиқ турибди. Ноиблар баҳслар, мунозаралар орқали аста-секин муроса йўлига ўтмоқдалар. Ҳозирги фожиали вазиятда шундай муроса жуда зарур.

Ўзбекистон овози

ХАРЧИНОМА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЖАМҒАРМА БАНКИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ПУЛСИЗ ҲИСОБ-КИТОБНИНГ ЭНГ ҚУЛАЙ ДАФТАРИДАН ФОЙДАЛАНИШНИ ЖАМҒАРМА БАНКИ МУАССАСАЛАРИ НАҚД ШАКЛИ ҲИСОБ-КИТОБ ЧЕКИ ВА ЧЕК ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

Жамғарма Банки

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЖАМҒАРМА БАНКИНИНГ ҲИСОБ-КИТОБ ЧЕКИ СИЗГА СОТИБ ОЛИНГАН МОЛ УЧУН ҲИСОБ-КИТОБЛАРНИ НАҚД ПУЛДАН ФОЙДАЛАНМАЙ АМАЛГА ОШИРИШ ИМКОНИНИ БЕРАДИ. ШУНИНГДЕК, БУ УСУЛ СИЗНИ НАҚД ПУЛЛАРНИ САҚЛАШ, ОЛИБ ЮРИШ ВА ҚАЙТА САНАШЛАР ЧОҒИДА ҚУТИЛМАГАН НОХУШ ҲОДИСАЛАРДАН ФОРИҒ ҚИЛАДИ.

Ҳисоб-китоб чеки юз минг сўмгача бўлган пулга ёзиб берилиши мумкин ва у тўрт ой давомида амал қилади. Бу муддат тугагандан сўнг қайта расмийлаштирилади.

ҲИСОБ-КИТОБ ЧЕКИДАН ФАҚАТ БИР МАРТА ХАРИД ҚИЛИШДА ФОЙДАЛАНИШ МУМКИН. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЖАМҒАРМА БАНКИНИНГ ЧЕК ДАФТАРЧАСИ ЭСА ҚЎП ТАРМОҚЛИДИР.

Чек дафтарчаси

— саноат молларини кўп марта сотиб олиш,

— маиший хизмат кўрсатиш корхоналарининг турли хизматларига ҳақ тўлаш;

— авиация ва темир йўл транспорти билетларини сотиб олиш имкониятларини беради.

Ҳисоб-китоб чеки ва чек дафтарчаси ёрдамида мол сотиб олиш чоғида паспорт тақдим қилинади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЖАМҒАРМА БАНКИ

Жамғарма Банки

«ЗАНГОРИ ЭКРАНДА» КЎРИНГ

• 23—24 ноябрь

● ЎзТВ I

18.00 Янгиликлар.
18.10 «Баст—паҳлавон». Мультфильм.
18.30 Болалар учун. «Ўйна, ўйна, қизалоқ».
19.30 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.20 «Деҳқон хўжаликларида».
19.55 «Таваккал Қодиров». Фильм-концерт («Ўзбектелефильм») премьераси.
20.30 «Ўзбекистон» ахбороти
20.55 Тижорат хабарлари.
21.00 «Сиз кутган дақиқалар». Ўзбекистон халқ артисти Ойдин Норбоева.
22.00 «Уорлдент» телекомпаниясининг янгиликлари (АҚШ).
22.30 «Қора шаҳзода». Бадиий фильм.
00.05 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

«ТОШКЕНТ» СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ

18.30 «Ассалому алайкум».
19.30 Болалар учун. «Совға».
20.00 «Лаҳза». Хабарлар.
20.10 «Миришкорлар».
20.40 Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги матбуот маркази хабар қилади.
20.55 «Билиб қўйган яхши».
21.10 «Ўзингни эр билсанг».
21.55 «Лаҳза». Хабарлар.
22.05 «Ёввойи асал». Бадиий фильм.

● «ОРБИТА IV»

5.55, 11.55, 15.20, 18.20, 21.20 — Кўрсатувлар тартиби.
6.00 «Якунлар».
6.45 «Тонг».
9.00 Янгиликлар.
9.20 «Нурафшон кун» ансамблининг чиқиши (Ашгабат).
9.35 «Сеҳргарнинг шогирди». Мультфильм.
9.55 Элдар Рязанов ҳаёти ва ижодига бағишланган кўрсатув.
11.05 «Брэйн-ринг».
12.00 Янгиликлар.

* * *

15.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
15.25 «Телеминкст».
16.10 «Ён дафтар».
16.15 «Майя ариси». Кўп серияли мультфильм.
17.05 Танишинг: «Ақлли болалар» ва «Ақлли қизлар». Юқори синф ўқувчиларига мўлжалланган янги кўрсатув ҳақида.
17.30 «НЭП».
18.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
18.25 «Технодром».
18.35 «Иқболи кулганда».
19.15 Давлатлараро «Останкино» телеканали таништиради: «Молдовада икки кун». М. Снегур билан учрашув.
19.45 Сизлар учун учрашув.
20.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 Янгиликлар.
21.25 «Спорт уик-энди».
21.40 «Турмуш икир-чикирлари». Бадиий телесериал премьераси. 8-серия.

«Янги студия» таништиради:

22.10 «Бомонд».
22.25 «Бироқ».
22.40 «Таржимаи ҳол».
23.00 «Вазият».
23.40 «Евгеник».
23.50 «Биз».
00.35 «Джем-сейшн». Танаффус пайтида (24.00) — Янгиликлар.

● «ДУБЛЬ IV»

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

8.00 Хабарлар.
8.20 Ишбилармон кишилар даври.
8.50 «Монстр». Ҳужжатли телесериал (Россия —АҚШ). 4-фильм — «Сталин деҳқончилика қарши».
9.40 Ишчан давра.
9.55 «Сиз яратган бор».
10.25 «Омад кулиб боққанда».
11.25 «Бола тилидан».
11.55 Кундузги сеанс. «Ўй-жиҳозларидаги пейзаж». Бадиий фильм.
13.30 Телевизион ахборот тижорат кўрсатуви.
13.35 «Деҳқонларга тааллуқли масала».

* * *

15.50 «Смирновлар оиласи Бундан буён қандай яшаш керак?». Телефильм (Австрия).
16.35 Янгиликлар.
16.50 Трансрос-эфир. «Ифодалаш».
17.35 «Метропол»даги суҳбатлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 Хабарлар.
18.20 «Қирқкулоқ куни». Бадиий фильм.

20.05—24.00 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

● ЎзТВ I

7.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
7.25 «Инсон ва табиат». Кинопрограмма.
7.55 «Таҳқо сузиш». Бадиий фильм.
9.25 Ўзбек тилини ўрганамиз.
9.55 Чим хоккейи бўйича Ўзбекистон кубоги. Эркаклар.
10.25 «Ёшлик» студияси саволларингизга жавоб беради.

* * *

18.00 Янгиликлар.
18.10 «Қувноқ болалик диёрида». Мультфильм.
18.30 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Талабалик йилларим».
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.20 «Спортлото».
19.25 «Дирижёр ҳикоя қилади».
19.55 «Санъат олами». Тўхтабек Соипов.
20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
20.55 Тижорат хабарлари.
21.00 Ҳуқуқат тадбирлари.
21.30 «Ҳорманг, бободеҳқонлар!». Пахтакорлар учун дам олиш кўрсатуви.
22.15 «Уорлднет» телекомпаниясининг янгиликлари (АҚШ).
22.45 «Авлиё Лука»нинг қайтиши». Бадиий фильм.
00.20 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

«ТОШКЕНТ» СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ

18.30 «Ёнғиндан сақланинг».
19.00 Ўзбекистон Республикаси Конституцияси лойиҳаси — умумхалқ муҳокамасида.
19.40 «Мусиқали меҳмонхона».
20.10 «Алоқалар ва шартномалар».
20.40 «Бу оқшомда» кўрсатуви саҳифаларида.
21.50 Эълонлар. «Кинонигоҳ».

● «ОРБИТА IV»

5.55, 11.55, 15.20, 21.20, 00.35 — Кўрсатувлар тартиби.
6.00 Янгиликлар.
6.35 Эрталабки гимнастика.
6.45 «Тонг».
9.00 Янгиликлар.
9.20 «Бойлар ҳам йиғлайди». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси.
10.05 Футбол шарҳи.
10.35 «Умид». Ногирон болаларнинг хайрия концерти.
11.25 «Турмуш икир-чикирлари». Бадиий телесериал. 8-серия.
12.00 Янгиликлар.

Кундузги киноэкспресс

12.20 «Давид ва Голиаф». Телевизион бадиий фильм.
13.30 Мультфильм.
13.55 «Биргаликда». Телевизион бадиий фильм.

*

15.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
15.25 Ишбилармон кишилар хабарномаси.
15.40 «Адам Смит бойлиги дунёси».
16.10 «Ён дафтар».
16.15 «Майя ариси». Кўп серияли мультфильм.
17.05 «Стартинейджер».
17.50 «Паҳлавон Иван шоҳ қизини қандай қутқариб қолди». Мультфильм.
18.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
18.20 «Қулупнай ёмғири». Мультфильм.
18.30 Футбол шарҳи.
19.00 «Бойлар ҳам йиғлайди». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси.
19.45 Миниатюра.
20.00 «Мавзу».
20.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 Янгиликлар.
21.25 А. Миндадзе ва В. Абдрашитов фильмлари. «Сайёралар намойиши».
23.00 «Ҳарбий ревю».
23.30 «Мен сизни севардим...». А. С. Пушкин.
24.00 Янгиликлар
00.40 А. Скрябин. 2-симфония.
01.30 Волейбол. Украина чемпионати. Хотин-қизлар. «Искра» (Луганск) — «Орбита» (Запорожье).

● «ДУБЛЬ IV»

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

8.00 Хабарлар.
8.20 Ишбилармон кишилар даври.
8.50 «Ҳақиқат онлари».
9.40 Ишдан бўш пайтингизда. «Мушуклар — бизнинг овунчоғимиз».
9.55 «Полигон».
10.25 «Маски-шоу».
10.55 Концерт залида. «Қалб хотираси».
11.40 Мульти-пульти.
12.00 Кундузги сеанс. «Ёлғиз инсон овози». Бадиий фильм.
13.35 Телевизион ахборот тижорат кўрсатуви.
13.40 «Деҳқонларга тааллуқли масала».

* * *

15.55 Телебиржа.
16.25 «Бадабони». Мактабгача ёшдаги болалар учун кўрсатув (Франция).
16.45 Мульти-пульти.
16.55 Янгиликлар.
17.10 Трансросэфир. «Урал-ТВ».
17.55 Эълонлар.

*

18.00—22.00 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

*

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

22.00 Хабарлар.
22.25 Спорт кўрсатуви.
22.30 «Қайтиш».
23.25 «Арт-обстрел».
00.25 Бугун Россия Федерацияси Олий Кенгашида.
00.40 Корнев хори куйлайди.

Ҳафталик телекўрсатувлар дастурининг қолган қисмини газетанинг кейинги сонида ўқийсиз.

ШАҲЛО ОПАЖОН!

Сизни туғилган кунингиз билан чин қалбимдан қутлайман. Бахт тилаб

укангиз САБРИДДИН.

УТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН

Ўзбекистон Республикаси Ижтимоий таъминот вазирлиги республика аҳамиятига молик нафақахўр

Патхиддин МАҚСУДОВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзолари, қариндош-уруғларига таъзия изҳор қилади.

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши ва «Ўзбекистон овози» журналистлар жамоаси

Бош муҳаррир Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ.

РЕДАКЦИЯЛАР: Иқтисодий ҳаёт — 33-47-80, 32-53-14, Ижтимоий ҳаёт—33-21-43, 32-53-16, Вилоят мухбирлари билан ишлаш — 33-12-16, 33-11-49, Хатлар бўлими— 33-20-36, 32-54-35, Котибият — 33-72-83, 32-53-06, Ахборот-тижорат хизмати — 32-54-14, Қабулхона — 32-55-15.

ЎЗ МУХБИРЛАРИМИЗ: Андижонда — 4-48-85, Бухорода — 3-96-12, Гулистонда — 2-26-22, Жиззахда—3-31-86, Қаршида — 3-25-79, Наманганда — 6-54-11, Нукусда — 2-42-62, Самарқандда —35-22-90, Урганчда — 6-72-60, Фарғонада — 6-97-89, Термизда — 2-23-01, Тошкентда: шаҳар бўйича — 33-76-04, вилоят бўйича — 32-26-70.

Навбатчи муҳаррир: Р. АҲМАДАЛИЕВ.



БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲИМИЗ:
700083, Тошкент-ГСП, Ленинград кўчаси, 32.

Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаа концернининг босмахонаси. Газета офсет усулида А—2 форматда босилади. ● Босишга топшириш вақти — 21.00 топширилди—22.00. № 230. № 229. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12.